**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ**

**«Касб таълими» факультети 5140901-Касб таълими (иқтисодиёт) бакалавр таълим йўналиши талабаси Янгиева Латофатнинг**

# БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу:** «Фермер хўжаликларини йириклаштиришнинг иқтисодиётга ва бошқаришга таъсири» мавзусини замонавий ўқитиш методикасини яратиш

**Раҳбар:** **Ш. Файзиева**

**Маслаҳатчи:** **Ж. Шоназаров**

**Иш бажарувчи:** **Л. Янгиева**

| | |
|---|---|
| ***«Ҳимояга рухсат этилди»*** | ***«Ҳимоя учун ДАК га юборилди»*** |
| «КТ ва П» кафедраси | «Касб таълими» факультети |
| мудири ____________ | декани ____________ |
| доц. З.Л. Ботиров | доц. Ҳ.А. Равшанов |
| «21» 06 2012 й | «22» 06 2012 й. |

**Қарши – 2012 йил**

## ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

Касб таълими факультети

Касб таълими (иқтисодиёт) таълим йўналиши

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

"КТ ва Т" каф. мудири

доц. З.Л. Ботиров

(имзо, ф.и.ш)

« 19 » 11 2011 й

**Битирув малакавий иши учун**

## ТОПШИРИҚ

Талаба Янгиева Латофат га

1. Малакавий иш мавзуси „Фермер хўжаликларини йириклаштиришнинг иқтисодиётга ва бошқаришга таъсири" мавзусини замонавий ўқитиш методикасини яратиш.

институтнинг № 555/т буйруғи билан 18.11.2011 й да тасдиқланган.

2. Малакавий ишни топшириш муддати 23. 06. 2012й

3. Малакавий иш учун маълумот Таълим тўғрисида"ги Қонун, Касб-хунар коллежи меъёрий хужжатлари, илмий-оммабоп нашрлар, БМИ бўйича услубий кўрсатма, интернет янгиликлари.

4. Ҳисобий изоҳ қисмининг мазмуни (ишлаб чиқилиши лозим бўлган саволлар рўйхати) Кириш. 1. Фан ва мавзунинг тавсифи; 2. Ўқитиш методикасининг умумий масалалари; 3. Иқтисодий-иқтисодий масалалар таҳлили; 4. Назарий дарс ўтиш методикаси. 5. Амалий ёки семинар машғулотини ўтиш методикаси

5. Чизмалар рўйхати (бажарилиши шарт бўлган чизма ва графиклар) 1. Таълим жараёни тузилмасининг андозаси. 2. Таълим методи тузилмаси. 3. Таълим воситалари турлари. 4. Ўзбекистон Республикасида фермер хўжаликлари ер участкаларини йириклаштирилгандан кейинги ҳолати 5. Косон туманидаги „Файзиев Абдусамад-1" фермер хўжалигининг пахта топшириш тўғрисида маълумот.

6. Малакавий иш бўйича маслаҳатчилар Ўқитиш услубиёти қисми бўйича маслаҳатчи: [signature] ж.У Жоназаров

## 7. Малакавий ишини бажарилиши бўйича календар график

| Хаф-талар сони | Малакавий иш бўлимлари | Малакавий ишнинг хажми, бет | Умумий хажмга нисбатан % | Бажарилган-лиги тўғрисида белги | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|
| I | Кириш. Фан ва мавзунинг тавсифи | 10 бет | 8,0 % | бажарилди | аъло |
| II | Ўқитиш методикасининг умумий масалалари | 40 бет | 34 % | бажарилди | аъло |
| III | Ижтимоий-иқтисодий масалалар мажмуаси. | 40 бет | 34 % | бажарилди | аъло |
| IV | Назарий дарс ўтиш методикаси | 15 бет | 13 % | бажарилди | аъло |
| V | Амалий ёки семинар машғулотини ўтиш методикаси | 10 бет | 8,0 % | бажарилди | аъло |
| | Хулоса | 4 бет | 3,0 % | бажарилди | аъло |
| | Жами: | 119 | 100 | | |

Малакавий иш раҳбари [signature] Ш. Файзиева

Топшириқ олинган кун 19. 11. 2011 й

Талаба [signature] Л. Яншева

## Кириш

Республикамиз иқтисодиётининг аграр тармоғида иқтисодийислоҳатларнинг амалга оширилиши натижасида турли хил хўжалик юритиш шаклларига асосланган хўжаликлар ривож топиб, кўп укладли иқтисодиётнинг пайдо бўлишига замин яратилди ва бошқариладиган бозор муносабатлари тизимига ўтишга, аграр соҳада ишлаб чиқариш муносабатларини тубдан қайта қуришга имконият туғилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда фермер хўжаликлари шаклланиши жараёни давом этмоқда ва уларнинг ривожланиши учун моддий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилмоқда. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда уларнинг мавқеи ва аҳамияти тоборо ўсиб бормоқда. Лекин, фермер хўжаликлари иқтисодий, ташкилий жиҳатдан тўлақонли мустақил хўжаликларга айланиши учун узоқ ва мураккаб йўлни босиб ўтишига тўғри келади. Бу эса янги хўжалик шакли фаолиятига доир назарий ва амалий-тадқиқот ишларини олиб бориш ва улар натижаларини ҳаётга тадбиқ этиш, амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳатлар таъсирчанлигини ва самарадорлигини таъминлашни кун тартибидаги масалалар қаторига қўймоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2012 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида таъкидлаганидек: «Ўтган йили 3 минг 800 дан ортиқ фермер хўжалиги пахта етиштириш бўйича шартнома мажбуриятини бажара олмади. Натижада 120 миллиард сўмликдан ортиқ ёки 160 минг тоннадан зиёд пахта хомашёси кам етказиб берилди. Агар бу кўрсаткични экспорт қилиш мумкин бўлган пахта толасига айлантирадиган бўлсак, бой берилган фойда ҳажми, пахтани қайта ишлашдан олинадиган мой, шрот, кунжара ва бошқа маҳсулотларни ҳисобга олмаганда ҳам, йўқотиш қарийиб 100 миллион долларни ташкил этади. Ўтган йили 1 минг 500 та фермер хўжалиги давлат захирасига ғалла сотиш бўйича 18 миллиард сўмлик ёки 62 минг тонна ҳажмидаги шартнома мажбуриятини бажармади. Ана шу масалалар юзасидан ҳар бир вилоят ва туман бўйича тегишли хулосалар чиқарилиши керак. Бунда, энг аввало, фермер хўжаликларига ер майдонларини узоқ муддатга ижарага бериш бўйича белгиланган тартибга риоя қилинишини, шу борада қонун бузилишиларига йўл қўймасликни таъминлаш керак»[1].

Шунингдек ушбу маърузасида 2012 йилда касб-ҳунар коллежлари ва академ лицейларни қуриш, реконструкция қилиш ва жиҳозлаш ҳамда мактабларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича дастурларни амалга ошириш якунига етказилиши ҳам таълим тизимини ривожлантириш учун, таълимни технологиялаштиришга қаратилган устувор йўналишлардан биридир. Ушбу мақсаднинг ижобий йўналиш кашф этиши, мамлакатни маънавий ривожланишини таъминлаши учун энг аввало, ўсиб келаётган ёш авлодни илмий билимлар билан қуроллантириш, уларда маънавий тафаккурни ривожлантириш, ақлий салоҳият маънавий ахлоқий сифатларни ривожлантиришни йўлга қўйиш ва бунинг учун уларга таълим тарбия берувчиларни замонавий педагогик технологиялар билан қуроллантиришга боғлиқ. Шу нуктаи – назардан Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини илғор педагогик технологиялар асосида ўқитиш ўқитувчи-педагогларимизнинг муболағасиз асосий вазифаларидан биридир..

Ҳозирги кунда касб-ҳунар коллежларида ўқув жараёнини педагогик технологиялар ва ахборот технологиялар асосида ташкил этиш замонавий таълимнинг талабларидан биридир. Таълимда интерактив методлар ва педагогик технологияларининг қўлланилиши эса ўз навбатида дунё андозасига мос, рақобатбардош кадрлар тайёрлашда энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Битирув малакавий ишида Бозор муносабатлари шакллана бораётган шароитда фермер хўжаликларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва уларнинг давлат, шунингдек бошқа ташкилотлар билан бўладиган ўзаро иқтисодий

[1] И.А. Каримов. «2012 йил – ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади». / «Халқ сўзи газетаси»// 2012 йил 21 январ.

муносабатларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсия ва таклифлар бериш ҳамда шу мавзуни замонавий ўқитиш методикасини яратишдан иборат.

Шунга асосан мен “Фермер хўжаликларини йириклаштиришнинг иқтисодиётга ва бошқаришга таъсири” мавзусини замонавий ўқитиш методикасини яратдим. Мавзу бўйича назарий ва амалий дарс ишланмалари тайёрланди, шунингдек қўйилган масаланинг иқтисодий нуқтаи назардан ечимлари келтирилди.

## 1. Фан ва мавзунинг тавсифи

### 1.1. Касб-ҳунар коллежларида кичик мутахассислар тайёрлашда «Деҳқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди» фанининг тутган ўрни ва аҳамияти

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури «Таълим тўғрисида» ги Қонунининг қоидаларига мувофиқ ҳолда тайёрланган бўлиб, миллий тажрибанинг таҳлили ва таълим тизимидаги жаҳон миқёсидаги ютуқлар асосида тайёрланган ҳамда юксак умумий ва касб-ҳунар маданиятга, ижодий ва ижтимоий фаолликка, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда мўлжални тўғри ола билиш маҳоратига эга бўлган, истиқбол вазифаларини илгари суриш ва ҳал этишга қодир кадрларнинг янги авлодини шакллантиришга йўналтирилгандир.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида таълим турларидан ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. Узлуксиз таълимнинг энг муҳим бўғини ҳисобланган ушбу таълим тури ишлаб чиқариш учун малакали кадрлар тайёрлаб беради.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талаблари асосида касб-ҳунар коллежларида тайёрланадиган малакали кадрлар «Деҳқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди» фанини мукаммал ўрганиш билан бир қаторда умум иқтисодий фанлар бўйича назарий ва амалий билимларга эга бўлмоғи лозим. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги ишларини юқори савияда ташкил этиш кўп жиҳатдан мамлакатимиздаги халқ хўжалигининг турли соҳаларини мутахассислар ва малакали иқтисодчилар билан таъминланганлигига боғлиқдир. Бу эса ўз навбатида касб-ҳунар коллежларида мамлакатимиз тараққиёти учун хизмат қиладиган малакали кадрларни тайёрлашни тақазо қилади. Шундай экан касб-ҳунар таълими фанлар блокидаги «Деҳқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди» фанининг қишлоқ хўжалиги корхоналари, деҳқон ва фермер хўжаликлари учун малакали кадрлар тайёрлаб беришда муҳим ўрин тутади.

Эндиликда деҳқон ва фермер хўжаликларига катта эътибор берилмоқда. Улар қонуний тан олинди ва жамоа ҳиссадорлик корхоналари ва ташкилотлари давлат ва бошқа корхона ҳамда ташкилотлар каби иқтисодий тизимнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлиб қолди. Деҳқон ва фермер хўжаликлари муваффақиятли фаолият кўрсатиши, изчил ривожланиши, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажмини ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш жараёнида рақобатга киришилари учун кўп ишлар қилинмоқда. Айниқса бу фаолиятнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, таълим-тарбия муассасаларида шу соҳа мутахассисларининг тайёрланиши амалий аҳамиятга эгадир. Жумладан, касб-ҳунар коллежларида тайёрланадиган малакали кадрларнинг «Деҳқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди» фанини чуқур ўрганиши, шунингдек ўқувчилар тадқиқот ишларида муайян кўникмаларга, ушбу фанлар тизимида назарий ва амалий билимларга эга бўлиши зарур.

Коллежларда таҳсил олаётган ўқувчи ёшлар фанга оид барча билимлар, илмий, назарий ва амалий жиҳатдан ўрганиш қаторида бошқа иқтисодий фанлар тизимини ҳам мукаммал билишлари, улар асосида маълум билим, кўникма ва малакаларга эга бўлишлари талаб этилади.

«Деҳқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди» фани қуйидаги фанлар билан ўзаро боғлиқдир.




1.1-расм. Деҳқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди фанининг фанлараро боғлиқлиги

Республикамизда бозор муносабатларига ўтиш даврида бу фанни билмасдан туриб деҳқон ва фермер хўжалиги фаолияти, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини ривожлантириб бўлмайди. Фермер ва деҳқон хўжаликларининг фаолиятини ривожлантириш учун кенг кўламли давлат ёрдами билан бирга фермерларнинг касбий тайёргарлигини - улар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришдаги илғор технологияларни ўзлаштириш, бозор иқтисодиёти шароитига муваффақиятли мослашиш маҳоратини, ишбилармонликка, вазиятни билимдонлик билан таҳлил этишга иштиёқини ошириш чоралари кучайтирилиши керак.

## 1.2. Танланган мавзунинг долзарблиги

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳатлар орасида Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги, таълим-тарбия соҳасидаги ислоҳатлар муҳим ўрин тутади. «Таълим тўғрисида» ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ёш авлодни миллий истиқлол мафкураси руҳида тарбиялаш, дарсликлар, ўқув-методик қўлланмаларни миллий таълим-тарбия анъаналари асосига қуриш масалалари кўтарилган ва шу муаммони ҳал қилиш йўл-йўриқлари кўрсатилган. Бу иккита Қонун ҳужжати асосида амалга оширилаётган мислсиз ислоҳатлар касб-ҳунар таълими тизимида ҳам туб ислоҳатларнинг ўтказилишини таъминлаб, ҳар бир ўқувчи ва ўқитувчининг ўз бурчлари ҳамда вазифаларини онгли бажаришга асосланади. Бу эса ўз навбатида таълим жараёни самарадорлигини оширишдир. Шунингдек, таълимнинг самарали кечишини таъминлаш омили сифатида замонавий педагогик технологиялар ва ўқитишнинг техник воситаларидан ўз ўрнида фойдаланишни талаб қилади. Айнан таълим тизимимиз учун янги поғона бўлган ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида замонавий ўқитиш услубиётини ишлаб чиқиш масалалари ўз долзарблиги билан алоҳида ажралиб туради.

Мазкур муаммони бартараф этиш, ўқув жараёни сифати ва самарадорлигини ошириш борасида педагогик технологиялар асосида ташкил этилган ноанъанавий дарсларнинг тутган ўрни самарали аҳамиятга эга бўлиб, у асосан қуйидаги натижаларга эришишни таъминлайди:

- ўқув жараёнидан кўзланган мақсадга аниқ эришишни;

- ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келиши;
- ўқув жараёнида қайтар алоқани такомилланиши;
- ўқувчининг билиш фаолиятини жонлантириш ва ўзлаштириш кўрсаткичларини яхшилашга эришишни;
- мотивациянинг юқори даража бўлиши;
- ўтилган материал яхши эслаб қолинади;
- жонли мулоқотга киришиш кўникмаси такомиллашади;
- ўқувчиларнинг дарсга бўлган (қизиқиш) муносабати ижобий томонга ўзгаради ва муаммоларни ечиш кўникмалари шаклланади ва кафолатланган натижага эришилади.

Мана шундай мулоҳазаларга асосланган ҳолда танланган мавзу долзарб аҳамиятга эга.

### 1.3. Касб-ҳунар коллежларининг мақсад ва вазифалари

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосан таълим турларининг асосий бўғини ҳисобланган касб-ҳунар коллежи ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни, танланган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган уч йиллик ўрта касб - ҳунар ўқув юртидир. Касб-ҳунар коллежи тегишли давлат таълим стандартлари доирасида ўрта махсус, касб-ҳунар таълими беради; ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, билим ва кўникмаларини чуқур ривожлантириш, танлаб олинган касб-ҳунар бўйича бир ёки бир неча ихтисосни эгаллаш имконини беради.

Касб-ҳунар коллежлари жиҳозланганлик даражаси, педагогик таркибнинг танланганлиги, ўқув жараёнининг ташкил этилиши жиҳатидан янги типдаги таълим муассасалари ҳисобланади. Улар бир ёки бир неча замонавий касб-ҳунарни эгаллаш ҳамда тегишли ўқув фанларидан чуқур назарий билим олиш имконини беради. Касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларга ўз билимларини чуқурлаштириши ва танланган ихтисосликларга эга бўлишни таъминлайди. Касб -ҳунар коллежларининг битирувчиларига давлат томонидан тасдиқланган намунадаги дипломлар берилади. Бу дипломлар таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки эгалланган ихтисос ва касб-ҳунар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беради.

Касб-ҳунар таълимини ташкил этиш учун қуйидагилар зарур:
- касб-ҳунар коллежлари фаолият кўрсатишнинг норматив базаларининг ишлаб чиқариш ва жорий этиш;
- соҳа учун олий таълим муассасаларининг, ишлаб чиқариш, фан ва маданият соҳасининг мутахасисларини жалб этган ҳолда юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни, шу жумладан чет элларда тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этиш;
- касб-ҳунар таълимини давлат стандартлари асосида ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- касб-ҳунар таълими ўқув муассасалари учун таълим ва касб - ҳунар дастурлари, ўқув-услубий мажмуалар ишлаб чиқиш;
- касб-ҳунар коллежларида тайёрланадиган мутахассисларга нисбатан ихтисос ва касб-ҳунар, малака талабларининг рўйхатини ишлаб чиқиш;
- ҳудудларнинг жуғрофий ва демографик шарт-шароитларини ва тегишли соҳадаги мутахассисларга бўлган маҳаллий эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими таълим муассасаларининг ташкил этилишини ва улар оқилона жойлаштирилишини таъминлаш, уларга ўқувчиларни имкон қадар оиласидан ажратмаган ҳолда қамраб олиш;
- касб-ҳунар коллежларининг моддий - техника ва ахборот базаларини мустаҳкамлаш.

Касб -ҳунар коллежлари таълими сифатини яхшилаш мақсадида профессор-ўқитувчилар давлат аттестациясидан ўтказилиши ва таълим олувчиларнинг билимини рейтинг асосида баҳолаш тизими тадбиқ этилиши лозим.

## 2. Ўқитиш методикасининг умумий масалалари

### 2.1. Дидактика ва унинг моҳияти

Дидактика педагогиканинг бир қисми бўлиб, унда таълим назарияси баён этилади. Дидактика таълим жараёнининг умумий қонуниятларини ўрганувчи қисмидир. Дидактика грекча сўз бўлиб, «дидайко» - ўқитиш, «дидаскол» - ўргатувчи деган маънони билдиради. Демак, унинг айнан таржимаси Таълим назариясини англатади. Таълим назарияси таълим жараёни, унинг моҳиятини, таълим қоидалари, усуллари ҳамда ташкилий формаларини ўз ичига олади. Дидактика ўз олдига ўқитишнинг ўқувчи-талабаларни ҳар томонлама тарбиялаш мақсадларига жавоб берувчи умумий қонуниятларини билиб олиш вазифасини қуяди.

Дидактиканинг предмети таълим-тарбия муассасаси шароитида ўқитувчининг раҳбарлиги остида амалга ошадиган ўқув жараёнидир. Дидактикада ана шу жараённинг қонуниятлари тадқиқ қилинади, ҳар хил типдаги таълим-тарбия муассасаларида бериладиган таълим мазмунини белгилашнинг илмий асослари, ўқитиш воситалари ва методларининг самарадорлигини ошириш йўллари ҳамда таълимнинг ташкилий шакллари ишлаб чиқилади.

Марказий Осиё халқлари тарихида дидикатикага доир ўлмас асарлар ёзиб қолдирган мутафаккирларимиздан Ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, М. Улуғбек, А. Навоий каби алломаларимиз тиббиёт, мантиқ, мусиқа, адабиёт, география, математика каби илмларни ўқитиш воситасида авлодларни тарбиялаш ғоясини олға сурдилар.

Шарқу ғарб маънавий мероси асосида педагогик жараёндан марказий ўрин олган дидактика доимо ривожланиб борди. Дидактиканинг асосчиси XVII асрнинг буюк чех педагог-олими Ян Амос Коменскийдир. Ян Амос Коменский (1594-1670) бутун дунёда педагогик фикрлар ва мактаблар тараққиётига жуда ўлкан хисса қўшган етук олимдир. Унинг 1632 йилда ёзган «Буюк дидактика» асари ўқитишни ривожлантиришга ғоят сезиларли таъсирини кўрсатди, шунинг учун ҳам бу асар жаҳон педагогикаси олтин хазинасининг ноёб гавҳари ҳисобланади. Европада дидактиканинг ривожланишида Ян Амос Коменскийдан кейин рус педагоги К.Д. Ушинскийнинг ҳам хизматлари катта.

Ўзбекистонда (кейинги йилларда) дидактик таълимнинг ташкил топиши ва ривожланиши А. Авлоний, Х.Ҳ, Ниёзий, Муҳаммадрасул Расулий, Қори Ниёзий, М. Беҳбудий, О. Шарафиддинов каби педагог ва олимларнинг номлари билан боғлиқ.

Мустақил Республикамизда 1997 йил 29 августда Олий Мажлиснинг 9-сессиясида қабул қилинган «Таълим тўғрисида» ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ишлаб чиқилиши таълим-тарби сохасида муҳим ўзгаришлар ва туб ислоҳатларнинг ўтказилишига асосий омил бўлди. Шу боисдан бугунги кунда таълим-тарбия муассасалари фаолиятини яхшилаш, шакллантириш, ўқитиш тизимини яхши йўлга қўйиш ва янги педагогик технологияларни жорий этишга эришилмоқда.

Маълумки, дидактик таълимнинг ривожланиши бевосита касб-ҳунар таълимида ҳам туб ислоҳатларнинг ўтказилишида муҳим омил ҳисобланади.

Касб-ҳунар таълимига қатор дидактик талаблар қўйилади. Булар қуйидагилар:

1. Дидактик мақсаднинг аниқлиги;
2. Таълим ва тарбия вазифаларининг бирлиги;
3. Ўқув материалини тўғри танлаш;
4. Таълим методларини аниқ мақсадларга қарата танлаш;
5. Ўқувчилар ишларида хавфсизликни таъминлаш;
6. Дарснинг ташкилий аниқлиги.

Ўқитиш қоидаларини билиш ўқитишнинг зарур усулларини янада ишончлироқ танлашга имкон беради. Бинобарин касб-ҳунар коллежларида таълим – тарбия жараёнининг ҳамма томонлари умумгуруҳ ўқувчилари жамоасига хос хусусиятларга амал қилган ҳолда йўлга қўйилади.

## 2.2. Касб-ҳунар коллежларида ўқитиш жараёнининг моҳияти

Касб-ҳунар коллежларидаги ўқитиш жараёни ҳам бошқа таълим турлари сингари икки фаолиятга асосланади, яъни ўқитувчи ва ўқувчи фаолиятини ўз ичига олади. Аввало жараён – бу лотинчадан олинган бўлиб, олдинга ҳаракат қилиш тушунилади. Таълим жараёнининг мазмунини билим, кўникма ва малакалар ташкил қилади.

Таълим жараёни - ўқувчи (талаба)нинг билмасликдан билишга томон, оддийдан мураккабга томон, унча тўлиқ бўлмаган билимдан анча тўлиқ, аниқроқ ва чуқурроқ бўлган билим томон содир бўладиган жараёндир. Бу ўқитувчи раҳбарлигида амалга оширилади. Ўқитувчи билим эгаллаш йўлларини ўқувчи-талабаларга кўрсатади, яъни кишилик жамияти томонидан бор, ҳамда бундай билимларга эга бўлмаган бола онгида воситачилик қилади. Ўқитувчининг фаолияти туфайли таълим пухта уйлаб чиқилган мақсад, мазмун ва дастурлар асосида олиб бориладиган жараёнга айланиб, кутилган натижаларни беради. Таълим жараёни - таълим берувчи ва таълим олувчининг белгиланган мақсадга қаратилган ҳамда олдиндан кўзланган натижага олиб борувчи ўзаро фаолиятидир, яъни ***таълим жараёни*** икки фаолият - ўқитувчи ва ўқувчи (талаба) ларнинг биргаликдаги фаолиятини ўз ичига олади.

Замонавий психолого-педагогик фанлар эришган ютуқларга биноан исталган ўқув жараёни учта бир-бири билан боғлиқ қисм (компонент)дан иборат:

1. Мотив (М).
2. Ўқувчининг ўқиш (ўзлаштириш) фаолияти (ЎФ).
3. Ўқувчининг билиш фаолиятини бошқариш (Б). Бошқариш вазифасини ўқитувчи ёки техник воситалар бажаради. Демак, ўқув жараёнини (ЎЖ) қуйидаги формула тарзида ифодалаш мумкин:

$$ЎЖ = М+ЎФ+Б$$

1. Ўқиш мотивлари. Агар таълим жараёнида ўқув иши (вазифаси) талаба учун бирор шахсий қимматга эга бўлсагина, кишида унга қизиқиш уйғониши мумкин. «Мотив» тушунчаси эҳтиёж, интилиш, хохиш, майл, қизиқиш каби маъноларни англатади.

2. Талабанинг ўқув-билиш фаолияти. Билим олиш учун мотив ҳосил қилиш билан бирга талаба ўқув материалини ўзлаштиришга имкон яратадиган ўқув-билув ҳаракатларини ҳам бажариши зарур, яъни ўқувчининг ўзи фаолият кўрсатиб ўқимоғи керак

3. Ўқув - билиш фаолиятини бошқариш. Таълим жараёнини бошқариш усули ҳам тўғри танланган тақдирдагина ўқув жараёни тугалланган ҳисобланади. Ўқув жараёнида бошқариш вазифасини ўқитувчи ёки техник воситалар бажаради. Ўқув (таълим) жараёни қуйидаги тузилишга эга:




2.1 - расм. Таълим жараёни тузилишининг андозаси (модели)

Ўқув жараёнининг ҳамма босқичларида асосий эътибор таълим натижасига эришишга қаратилади.

Касб-ҳунар коллежларида ўқитиш жараёни ўқитишнинг шакл ва методларини ташкил этишнинг кўп қиррали ягона тизимига асосан амалга оширилади. Ўқитувчи фаолиятининг муваффақияти аввало у таълимнинг мазмуни, методлари ва ташкилий шаклларидан умумий дидактик принципларни қанчалик тўғри амалга оширишига боғлиқ. Ўқитувчининг фаолияти таълим жараёнининг ташқи томонини ташкил қилади, чунки у ўқитади, таълим беради. Ўқитувчи ўқувчилар ишининг боришини кузатиш ва улар эришган натижаларни баҳолаш асосида ўзининг кўрсатмалари, йўналтирувчи саволлари, тегишли тушунтиришлари ва ҳоказолар билан ёшларнинг ўқув фаолияти жараёнига тузатишлар киритади.

Ўқитиш жараёнининг иккинчи томони ўқувчининг фаолияти бўлиб, у ўқув фани материалларини ўзлаштиришдан иборат. Ўқувчи фаолияти ички жараёнини ташкил этади, яъни у ўқитувчи берган билимни ўқиб, тушуниб олади. Таълим жараёнида ана шу иккала томон яхши қатнашмаса таълим жараёни яхши натижага эришмайди.

Касб-ҳунар коллежлари таълим жараёнида фаннинг энг зарурий, энг муҳимлари асоси ўрганилади. Бунинг учун ўқитувчи ўқувчига билим берар экан, уни соддадан мураккабга, умумийдан хусусийга етаклайди, хулосалар чиқаришга, ҳаётда ишлаб чиқаришда қуллай билишга ўргатади. Ўқитувчи билимларни ўргатар экан, ўша жараёнда болаларнинг имкониятларини ўрганади, қийинчиликларини кўради, уларни бартараф этиш чораларини излайди. Шундай экан, ўқитувчи ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган юксак ахлоқий-маънавий сифатларга эга бўлган, чуқур билим ва маҳорат эгаси бўлиши лозим.

### 2.3. Дидактик принципларни ўқув жараёнига қўллаш

Таълимни ташкил этишда ўқитувчи фаолиятининг муваффақияти аввало у таълимнинг мазмуни, методлари ва ташкилий шаклларидан умумий дидактик принцип (қонуният) ларни қанчалик тўғри амалга оширишига боғлиқ. Таълим жараёнида таълим бериш, тарбиялаш ва ўқувчиларнинг умумий ривожланишларини бир бутунликда амалга ошириш зарур.

Таълим қонуниятлари бу - ўқитиш жараёнига қўйиладиган талаблар йиғиндисидир. Таълим принцип (қонуният) лари деб, таълимнинг барча босқичлари ва ҳамма предметларини ўқитиш учун асос бўладиган қонуниятлар, қоидаларга айтамиз. Таълим қонуниятлари ўқувчи ва ўқитувчи орасидаги энг муҳим ички аҳамиятни акс эттиради. Ўқитиш қонуниятларидан уни самарали ташкил қилишга нисбатан муайян муҳим талаблар келиб чиқадики, буни ўқитиш қоидалари деб атайдилар.

Таълим қоидалари - ўқитишнинг фаолиятини ва ўқувчилар томонидан илмий билимларнинг ўзлаштирилиши, тегишли кўникма ва малакалар ҳосил қилишнинг асосий қонун ва йўл - йўриқларини ўз ичига олади. Сўнги йилларда олимлар томонидан яратилган педагогик адабиётларда дидактик қоидалар турлича гуруҳлаштирилмоқда. Ана шуларга асосланган ҳолда қуйидагича таълим қоидаларини кўрсатиб ўтиш мумкин.

1. Таълимнинг илмий бўлиш қоидаси. Таълимнинг илмийлиги қоидаси ўқувчининг ўқув материалидаги қонуниятларни акс эттириши, тушуниши ва ўзлаштириши учун тўғри шароит яратиш мақсадида зарурдир. Назарий қоидаларни тушуниш- материални илмий асосда изоҳлаб беришнинг муҳим белгиси бўлиб, у ўқувчининг фикрлаш фаолияти хусусиятларини белгилайди.

2. Таълимнинг тизимли ва изчил бўлиши қоидаси. Ўқитувчининг билимларни тизимли баён қилиши ўқувчиларга ўқув предметининг структураси ва мантиғини чуқурроқ тушуниш, фаннинг бош ғояси ва асосий қоидаларини ажратиш, табиат ва жамият ҳодисалари ўртасидаги ички боғланишни аниқлаш имконини беради. Ўқитишнинг тизимлилиги ўқитишда муваффақият гарови бўлиб, фикрларни тартибга солади, билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришни осонлаштиради ҳамда яхшилайди. Таълимда изчилликка риоя қилиб ўқитиш лозим, токи бугун ўрганилган билимлар кеча ўрганилганларни мустаҳкамласин, эртага ўрганиладиганларга замин ҳозирласин.

3. Таълим ва тарбиянинг бирлиги қоидаси. Таълим тизимида таълим ва тарбиянинг бирлиги қоидаси асосий ва етакчи қоидалардан бири ҳисобланади. Таълим жараёнида ўтилаётган катта ва кичик мавзуларнинг мазмунидан келиб чиқадиган тарбиявий томонларини тўғри белгилаш ва уни таълим билан бирга, бир бутунликда амалга оширишни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга

4. Таълимда назариянинг амалиёт билан боғлиқ бўлиши қоидаси. Дидактикада таълимни турмуш билан, ишлаб чиқариш амалиёти билан боғлаб олиб бориш энг асосий ва етакчи қоидадир. Ҳар бир фанни назарий тушунтириш билан бирга уни амалий томонини, амалиётга тадбиқ этиш йўлларини ҳам ўрганиш лозим.

5. Таълимда онглилик, фаоллик ва мустақиллик қоидаси. Ўқитиш жараёнида онглилик ва фаоллик қоидаси ўқувчиларда тафаккур ва нутқни ривожлантиришни назарда тутади. Таълим жараёнида ўқувчилар фаоллиги, аввало уларнинг ақлий фаолияти – тафаккур қилиш фаолиятидир.

6. Таълимда кўрсатмалилик қоидаси. Бу қоида дидактик қоидалардан бири бўлиб, у ўқитиш жараёнининг сифатини орттиради, ўқувчиларнинг билим олишларини осонлаштиради. Кўрсатмалилик принципи идрок этишни осонлаштириши ва назарий билимларни ҳаёт, амалиёт билан боғлаш имконини беради.

7. Таълим жараёнида ҳар қайси ўқувчига хос хусусиятларни ҳисобга олиш ва таълимнинг ўқувчига мос бўлиши қоидаси. Таълимнинг муваффақиятли бўлишида ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятларини кузатиш ва ўрганиш ҳамда шу хусусиятга мос муомала қилиш ҳал қилувчи ўрин тутади. Таълимнинг ўқувчиларга мос бўлиши қоидаси бу- ўқув материалларининг мазмуни, унинг ҳажми, характери, у ёки бу синф ўқувчиларининг жисмоний ривожи, ақлий қобилияти, умумий тайёргарлиги-савияси ва имкониятларига лойиқ бўлиши тушунилади.

8. Пухталик. Таълим жараёнидан кўзланган натижага эришиш учун дарс пухта режалаштирилган бўлиши лозим.

9. Таълимнинг тарбияловчилик характери. Ўқитувчи фаолияти таълим жараёнида билим бериш билан бир қаторни у тарбияловчилик характерига ҳам эга, чунки у таълим ва тарбия ижодкори ҳисобланади.

Касб-ҳунар коллежларида ўқув жараёнини ташкил этишда ҳар бир педагогдан дарсни дидактик қонуниятлар асосида ташкил этишни талаб этади, чунки таълимнинг барча босқичларида ҳамма фанларни ўқитишда ана шу қонуниятларга амал қилиш зарур.

### 2.4. Касб-ҳунар коллежларида ўқитишнинг мазмуни

Касб-ҳунар коллежларида таълим олиш ўқувчиларга ўз билимларини чуқурлаштириш ва танланган ихтисосликларга эга бўлишни таъминлайди ҳамда таълимнинг кейинги босқичларида ўқишни давом эттириш ёки эгалланган ихтисос ва касб-ҳунар бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини беради.

Касб-ҳунар коллежларида таълимнинг мазмуни унинг мақсадидан келиб чиқади. Таълимнинг мазмуни деганда, ўқувчиларнинг билиш жараёнида эгаллаб олиши лозим бўлган ҳамда тизимга солинган билим, малака ва кўникмаларнинг аниқ белгиланган доираси тушунилади. Таълим жараён сифатида билимлар, кўникмалар ва малакаларнинг маълум йиғиндисини фаолият ва муносабатларининг тегишли тажрибасини ўзлаштиришга қаратилган махсус ишларнинг ташкил қилинишидир. Таълим натижаси сифатида билимларни, фаолият ва муносабатлар тажрибасини ўзлаштиришда эришилган даражадир. Мамлакатимизда касб-ҳунар коллежларида таълимнинг мазмуни умуминсоний фазилатларга эга бўлган иймонли, эътиқодли, билимли ёшларни тарбиялаб беришдан иборатдир.

Таълим мазмуни ўқув режаси, дастури ва дарсликларда ифодаланган.

***Ўқув режаси*** – давлат ҳужжатидир. Ўқув режаси деб, ўқитиладиган фанлар, ўқитиш учун ажратилган соатлар ва ўқув йилининг тузилишини белгилаб берувчи давлат ҳужжатига

айтилади. Ўқув режалари ўқувчиларнинг ёш хусусиятларига мувофиқ тузилади. Шунингдек, ўқув-тарбия ишининг мақсад ва вазифаларига асосан тузилади.
Ҳар бир ўқув фани учун ***ўқув дастури*** тузилади. Ўқув дастури ўқув режаси асосида ишлаб чиқилади. Ўқув дастури ҳар бир ўқув фанининг ўқитиш учун ажратилган билим ҳажми, тизими ва ғоявий-сиёсий йўналишини аниқлаб берадиган давлат ҳужжатидир. Ўқув дастурида ўқув йили давомида ҳар қайси синфда алоҳида фанлар бўйича ўқувчиларга бериладиган илмий билим, кўникма ва малакаларнинг ҳажми белгилаб берилади.

Дастурнинг асосий вазифаси - ўқув предметининг мазмунини ифодалашдир. Унда курснинг синфларга, қисмларга, мавзуларга бўлиниш, уларни ўрганиш тартиби, соатлар тури кўрсатилади. Шундай қилиб, дастур иккита вазифани бажаради: таълимнинг мазмунини ўқув предмети доирасида акс эттиради ва предмет учун муайян норматив сифатида хизмат қилади. Шунингдек, у дарсликка ўтишни тайёрлайди ва унинг муаллифлари фаолияти учун йўлланма ҳисобланади.

***Дарслик*** ўқув жараёнининг зарур қисмидир. Дарслик - ўқувчиларнинг иккинчи «муаллими», чунки у, аввало ўқувчи учун зарур қўлланмадир.
Дарслик -ўқувчиларнинг китоби ва унинг энг муҳим қуролидир. Ҳар бир ўқув фанининг мазмуни дарсликда батафсил ёритилади. Дарслик тегишли фанга оид илмий билим асосларини дастурга ва дидактика талабларига мувофиқ равишда баён қилувчи китобдир. Дарсликлар билан бир қаторда, айрим ўқув фанлари юзасидан ўқув қулланмалари ҳам тузилади. Масалалар ва машқлар тўплами, хрестоматиялар, атласлар, луғат китоблари ва ҳоказолар шулар жумласидандир.

Касб-ҳунар коллежи ўқувчиларнинг касб-ҳунарга мойиллиги, маҳорат ва малакасини чуқур ривожлантиришни, танланган касблар бўйича бир ёки бир неча ихтисос олишни таъминлайдиган уч йиллик ўрта касб-ҳунар ўқув юрти бўлиб, унда ўқувчилар тегишли соҳалар бўйича етук мутахассислар бўлиб, касб-ҳунарга ўрганадилар. Демак, уч йиллик ўрта махсус касб-ҳунар таълим йўналишларини ёшлар ўзи иқтидорлари ва истакларидан келиб чиқиб, ихтиёрий танлайдилар.

## 2.5. Таълимнинг ташкилий шакллари

Таълимни ташкил этиш шакллари маълум ижтимоий тузум ва шу тузумнинг манфаатларига мос ҳолда шаклланган. Узлуксиз ривожланган жамиятда таълимнинг мукаммал жамоа шакли яъни дарс неча йиллардан бери такомиллашиб, унга қўйилган талаблар мураккаблашиб ва замонавийлашиб бормоқда.

XVI асрнинг охири ва XVII асрнинг бошларида буюк чех педагоги Ян Амос Коменский (1592-1670) тарихда биринчи бўлиб мактаб таълимида синф-дарс тизимини яратди. Я. А. Комеснкийнинг таълимни ташкил қилиш ҳақидаги қарашлари бир қатор жиддий қаршиликларга учраган бўлса ҳам ғарб мамлакатларига жуда тез тарқалди ва таълимни ташкил қилишнинг бирдан-бир шакли деб эътироф этилди. Синф-дарс тизими шарқ мамлакатларига, жумладан Марказий Осиёдаги эски мусулмон мамлакатларига тадбиқ этилмади. Уларда 1917 йилга қадар ўрта аср мактабларига хос таълим тизими (шакли) давом этиб келди. Ушбу мактабларда 6 ёшдан 15-16 ёшгача бўлган болаларга бир хонада бир вақт мабойнида машғулот олиб бориларди. Шу боисдан болаларнинг билим даражалари ва ўзлаштириши ҳам турлича бўлар эди.

Ўлкамизга таълимнинг мукаммал жамоа шакли бўлган синф-дарс тизими XX аср бошларида кириб келди, шу аснода рус тузим мактаблари, гимназияларда ўқув жараёни синф-дарс тизимида олиб борила бошлади. Айнан шу даврда Туркистонда жадид усулидаги мактабларнинг кириб келиши синф-дарс тизимига асосланади. Ҳозирги давргача гуруҳли машғулотларнинг синф-дарс тизими деб аталган бундай шакли кенг тарқалди, мустаҳкамланди ва шунча вақт мабойнида дарснинг ташкилий шакллари ҳам, таълимнинг методлари ҳам узлуксиз такомиллашиб кетди.

Умуман айтганда, таълимни бошқариш ўқитувчи ўқиш жараёнининг тузилиш элементлари, хусусан ўқув материалининг мазмуни, таълим методлари, фаолият усуллари, шакллари ва воситалари тўғри амалга ошуви ҳамда ўзаро таъсирини таъминлашдан иборат.

## 2.6. Дарс -ўқув ишларининг асосий ташкилий шакли

Дарсда ўқув-тарбия ишларининг барча компонентлари: мақсад, мазмун, воситалар, методлар, ташкил этиш ва бошқариш фаолияти ҳамда унинг барча дидактик элементлари мужассамланган. Дарс - ўқитувчилар ва ўқувчилар фаолиятини ташкил этишнинг шакли бўлиб, у болаларни ўқитиш, тарбиялаш ва камол топтириш вазифаларини амалга оширади. Дарс ўқув ишларини ташкил этишнинг асосий ташкилий шаклидир. Синф- ёши ва билими жиҳатдан бир хил бўлган маълум миқдордаги ўқувчилар гуруҳидир.

Дарс деб бевосита ўқитувчининг раҳбарлигида муайян ўқувчилар гуруҳи билан олиб бориладиган таълим машғулотига айтилади. Дарс - ўқув ишларининг марказий қисмидир.

Ҳозир мактабларимизда қўлланилаётган синф-дарс тизими қуйидаги ташкилий шаклларда олиб борилади:

1. Ҳар қайси синф ёши ва билимига кўра бир хил даражадаги болаларнинг доимий гуруҳига эга бўлади.

2. Дарс машғулоти асосан 45 минутга мўлжалланган бўлиб, қатъий жадвал орқали олиб борилади.

3. Дарс бевосита ўқитувчининг раҳбарлигида жамоа ва якка шаклда олиб борилади.

4. Дарс ўтилаётган материалнинг мазмунига қараб хилма-хил усул билан олиб борилади, таълим тизимининг бир қисми сифатида, албатта, тугалланган билим беради ва навбатдаги билимларни ўзлаштириш учун замин яратадиган қилиб уюштирилади.

Ҳар бир дарснинг муваффақияти кўп жиҳатдан машғулотни тўғри ташкил этишга боғлиқ. Мактабларимизда дарснинг бошланиш даврини - дарснинг ташкилий дақиқалари деб аталади. Бироқ, бу дарс шаклининг бирор босқичи ёки тузилишига кирмаслиги керак. Ташкилий дақиқада синфнинг тайёргарлигини синчиклаб кузатиш муҳимдир. Тажрибали ва маҳоратли ўқитувчилар фурсатни қўлдан бермай, ўқувчилар диққатини чалғитмай, дарҳол иш бошлаб юборадилар. Айни пайтда ўқитувчи олдида икки вазифа – бутун синф ўқувчилари диққатини ўзига жалб қилиш ва бутун синф ўқувчиларини тезлик билан машғулотга фаол киришишларини таъминлаш вазифалари туради.

Дарс машғулотдан кўзланган мақсадни равшан ва аниқ қилиб ўқтириш билан бошланади. Дарс янги материални баён қилишга қаратилган бўлса, дарс мавзуси айтилади. Дарсда режада мўлжалланган материални ўтиб бўлингач, у албатта якунланиши, хулосалар чиқарилиши керак. Шунингдек, ўқитувчи дарсни илғор педагогик технологиялар асосида олиб бориши, турли хил таълим методларидан унумли фойдаланиш ва ўқувчиларга кўпроқ муаммоли вазиятлар яратиш орқали уларга янги материални баён қилиши дарс сифатини оширади.

Дарсни ташкил этиш ва олиб боришдаги бош мақсад – таълим жараёнининг самарадорлигини таъминлашдир.

Дарсда ўқув – тарбия ишларининг барча компонентлари: мақсад, мазмун, воситалар, методлар, ташкил этиш ва бошқариш фаолияти ҳамда унинг ҳамма дидактик элементлари мужассамланган деб ҳисоблаш қабул қилинган. Шунга асосан ўқитувчи дарс муаммоларига тўғри ёндошиши учун таълим жараёнининг асосий компонентларини билиши, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва бир-бирига таъсирини тушуниши лозим.

## 2.7. Дарс турлари ва тузилиши, дарсга бўлган талаблар

Маълумки, дарс жараёни - ўқитувчилар ва ўқувчилар фаолиятини ташкил этишнинг шакли бўлиб, у болаларни ўқитиш, тарбиялаш ва камол топтириш вазифаларини амалга оширади. Дарс ўқитишни ташкил этишнинг ўзгармас шакли эмас. Ўқув амалиёти ва педагогик тафаккур доимо уни такомиллаштириш йўлларини излайди. Турли-туман

фикр ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда дарс қуйидаги умумий дидактик талабларга жавоб бериши лозим:




2. 2.-расм. Дарсга бўлган талаблар.

Таълим тизимида энг кўп қўлланиладиган дарс турлари қуйидагилар:
1. Янги билимларни баён қилиш дарси (маъруза).
2. Ўтилган материалларни мустаҳкамлаш дарси.
3. Ўқувчиларнинг билим, малака ва кўникмаларини текшириш ва баҳолаш дарси.
4. Такрорлаш – умумлаштирувчи ва кириш дарслари.
5. Аралаш дарс (юқоридаги дарс турларининг бир нечтасини бирга қўлланиши). Ҳар бир дарс турининг маълум тузилиши ва хусусиятлари бор, бу нарса ўқитувчининг ўқув материалини тўғри ва самарали тушунтиришига, мустаҳкам эсда қолдиришга, такрорлашга ва унинг ўзлаштиришини назорат қилиб боришига ёрдам беради. Демак, дарс бошдан – оёқ бир дарс тури билан олиб борилмайди, балки шу дарсда янги билимни баён қилиш билан бирга уни мустаҳкамлаш (савол-жавоб), янги билимлар устида машқ ўтказиш (масала ва мисоллар ечдириш, график ишлари олиб бориш), уйга вазифа (бошқа бир дарс элементи-тушунтириш, йўл-йўриқлар кўрсатиш ва ҳ. к) каби бошқа элементларнинг бўлиши ҳам мумкин.

Дарс тузилиши у ёки бу дарс турининг тузилишини, унинг қисмларини англатади. Бироқ, дарс турлари тузилишидаги ҳар қандай қисм – дидактик усул, дарс тузилиши бўлавермайди. У ўқитиш усули билан боғлангандагина дарс тузилишини ташкил қилади. Дарснинг тузилиши қўйилган мақсадларга, ўрганилаётган материалнинг мазмунига,

таълимнинг дарсда қўлланадиган методлари ва усулларига, ўқувчиларнинг тайёргарлик ва камолат даражасига, дарснинг ўқув жараёнидаги ўрнига боғлиқдир.

Дарс тузилишини биридан иккинчисига ўтиши ва шу орқали дарснинг шакли ҳамда усулларининг ўзгариши дарс босқичи деб юритилади. Масалан, аралаш дарс турининг тузилиши:

1. уй вазифаларини сўраш, текшириб кўриш;
2. янги материалларни баён қилиш;
3. янги материалларни мустаҳкамлаш;
4. уй вазифаларини топширишни ўз ичига олади. Бунда:

а) уй вазифаларини кўриш суҳбат (савол-жавоб), мисол ва масалалар ишлатиш йўли билан олиб борилиши мумкин. Бу дарс тузилишининг биринчи қисми, дарснинг биринчи босқичи;
б) янги материалларни баён қилиш жараёнида ўқитувчи тушунтириш, ҳикоя қилиш, мактаб маърузаси, суҳбат каби усуллардан фойдаланиш мумкин. Бу – дарс тузилишининг иккинчи қисми, дарснинг иккинчи босқичи;
в) янги материалларни мустаҳкамлаш жараёнида суҳбат, машқ қилдириш, китоб билан ишлаш усулларидан фойдаланиш мумкин. Бу – дарс тузилишининг учинси қисми, учинчи босқичи;
г) уй вазифаларини топшириш жараёнида тушунтириш. Суҳбат усулидан фойдаланиш мумкин. Бу – дарс тузилишини тўртинчи қисми, дарснинг тўртинчи босқичидир. Юқорида кўриб ўтилган дарс турларининг ҳаммаси ўз тузилишига эга бўлганидек, маълум босқичларга ҳам ажралади.

Такрорий-умумлаштирувчи дарс, одатда, дастурнинг маълум бир қисми ёки йирик мавзу ўтиб бўлганидан кейин ўтказилади. Бунда ўтилган материалларни такрорлаш – қайта эсга тушириш ва мустаҳкамлаш мақсадида ўтилган мавзуларни қамраб олган ва бир-бирига боғлиқ бўлган саволлар орқали умумлаштириш назарда тутилади.

Касб-ҳунар коллежларида ўқитувчининг кўп қиррали ва мураккаб фаолияти заминида ёш авлодни одобли, эътиборли қилиб тарбиялаш, уларни илмий билимлар билан қуроллантириш каби вазифалар ётади. Буларнинг барчаси ўқитувчидан чуқур билимларга эга бўлишни, ўз сохасини мукаммал билишни, болаларни севишни талаб этади. Касб-ҳунар коллежларида ўқув ишлари ва билим беришнинг ташкилий шакллари «Таълим тўғрисида» ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» га асосан олиб борилади.

## 2.8. Ўқитиш методини танлаш ва асослаш
## Таълим методлари

Таълим усули-ўқитувчи (педагог) билан ўқувчи (талаба)лар орасида билим бериш ва уни олиш мақсадида амалга ошириладиган ўзаро алоқаларни тизимга солувчи педагогик тадбирдир. Таълим фаолиятини ташкил қилиш ва амалга ошириш жараёни узатиш, қабул килиш, англаш, эсда саклаш ва амалда куллай олишни назарда тутади. Дарс жараёнида ўтиладиган мавзунинг характери, мазмунига қараб, ўқитувчи ва ўқувчи фаолияти турлича йўналишда бўлиши мумкин. Ўқитиш усулларини танлаш, биринчидан дарсда кўзда тутилган ўқув мақсадларига боғлиқ

Ўқитиш усуллари ўқув жараёнининг асосий қисми ҳисобланади. Тегишли усулларсиз педагогик фаолиятни амалга ошириб булмайди. Усуллар билимларни узатиш ва қабул килиш характерига қараб **сўз орқали ифодалаш, кургазмали ва амалийг**а бўлинади. Таълим мазмунини ўзлаштиришда ўқувчи ларнинг билим фаолиятига муносиб равишда куйидаги усуллар: тушунтириш-иллюстратив (информацион рецептив), продуктив (махсулдор), муаммоли баён, хусусий кидириш ёки эвристик хамда ярим тадкикот услублари кулланилиши мумкин.

**Таълимнинг оғзаки усулларига**: хикоя, маъруза, сухбат ва бошқалар киради. Бу усулларни куллашда ўқитувчи (педагог)суз воситасида ўқув материалини баён килади,

тушунтиради, ўқувчи (талаба)лар эса тинглаш, эслаб колиш орқали уни фаол қабул киладилар.

**Хикоя.** Ушбу усулда ўқувчи (талаба)ларга бериладиган билим мазмунини огзаки баён килиш кузда тутилади. Хикоянинг бир неча тури мавжуд: хикоя-муқаддима, хикоя-баён, хикоя-хулоса. Хикоя усулини қўллашда муайян педагогик усуллардан фойдаланилади. Булар: диккатни фаоллаштириш, баён килиш, таккослаш, асосийларини ажратиш, якунлаш қаби мантикий тадбирлардир.

**Суҳбат** усули атрофлича уйланган саволлар ёрдамида ўқитувчи (педагог) билан ўқувчи (талаба)ларнинг фикрлаш тизимини, янги тушунчалар ва конуниятларни узлаштиришга олиб келади. Сухбат усулини кулланишда саволларни куйиш (асосий, кушимча, йуловчи ва х.к.), ўқувчи (талаба)ларнинг жавоб ва мулохазаларини мухокама килиш, сухбатдан хулосаларни шакллантириш, жавобларни тузатиш усулларидан жойдаланилади.

**Таълимнинг кургазмали усулини** шартли равишда икки катта гурухга булиш мумкин; кургазмали ва намойиш килиш усуллари. **Кургазмали усули,** ўқувчи (талаба)ларга намойиш этиладиган кулланмалар-харита, плакат, доскадаги чизма ва расмлар, аломаларнинг сурати ва бошқаларни курсатишни кузда тутади.

**Намойиш қилиш усули,** одатда, курилма, асбоблар, тажрибалар, турли типдаги аппаратларни намойиш килиш билан боглик.Намойиш килиш усулига, шунингдек, диафильм, кинофильм курсатишни хам киритишган. Кургазмали усулларни куллашда куйидаги усуллардан фойдаланилади; курсатиш, яхши куринишни таъминлаш, утказилган курсатув, намойиш ва хоказолар натижаларини мухокама килиш. Айниқса, замонавий компьютерлар, проектор, аудиовизвал воситалар, кадаскоп типидаги ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланган ҳолда дарсни ташкил этиш ўқув жараёнини янада қизиқарлилигини оширади.

Ўқув жараёнида фильмлардан фойдаланишга тайёрланишда ўқитувчи (педагог) уни олдиндан куриши, намойиш килиш давомида ўқувчи (талаба)лар олдига куйиладиган асосий саволларни тузиши, тегишли лахзасида курсатиладиган парчаларни, саволларини тузиши, алохида парчаларнинг ажратиши лозим.

**Амалий услублар** таълим-тарбия фаолиятининг хилма-хил турлари кенг доирасини қамраб олади. Амалда куйидаги усуллар кулланилади: вазифа (максад)ни куйиш, уни бажариш усулини режалаштириш, бажариш жараёнини бошқариш, тахлил килиш, камчиликлар сабабини аниклаш, максадга тулик эришиш учун таълим жараёнига тузатиш киритиш. Амалий усуллар таълимни суз орқали ифодалаш ва уни кургазмали услублар билан мустахкамлаш жараёни билан чамбарчас богликликда кулланилади. **Таълим-тарбия жараёнида таълим олувчиларни фаоллаштириш.** Агар таълим-тарбия жараёнлари ўқувчи (талаба)ларда фаол харакат, билим ва куникмалар орттириш иштиёкини уйготсагина, бу жараён самарали кечади ва сифатли натижалар беради.

Ўқув фаолиятини бундай ташкил килиш учун унинг барча усуллари-огзаки, кургазмали, амалий, репродуктив, кидирув, индуктив хамда дедуктив, шунингдек мустакил иш усулларидан фойдаланилади. Ўқув фаолиятига кизикишнинг асосий манбаи, аввало, унинг мазмунидир. Бу мазмун кучли рагбатлантирувчи таъсир курсатиши учун таълим принципларининг қатор талабларига жавоб бериши лозим. Бунда таълим мазмунининг рагбатлантирувчи таъсирини оширишдаги айрим махсус усуллар хам мавжуддир. Таълимнинг рагбатлантириш ва асослаш усулларига билиш бахси хам киради. Чунки ўқув бахси ўқишга кизикишни рагбатлантирувчи усул ролини уйнайди.

Таълим жараёнини ташкил этишда таълим методларини тузилмаси ва ундан таълим жараёнида қўллаш ўрнига эътибор бериш керак.




2.3. - расм. Таълим методи тузилмаси

Расмдан англаниб турибдики, таълим методи тузилмасида қуйидагилар ажралиб туради: мақсадли таркиб; фаолиятли таркиб; таълим воситалари.

## *2.9. Ноанъанавий ўқитиш методлари*

Ўқитишнинг самарали бориши, ўқувчи-талабаларнинг ҳар бир фанни чуқур ўзлаштириб олишлари, шунингдек улар билимларни онгли ва мукаммал эгаллашлари учун ҳамда ёшларда мустақил ва ижодий фаолият-фикрларининг ривожланишига бевосита ўқитувчининг таълим усулларидан кенг ва моҳирона фойдалана олишига боғлиқдир.

Ҳозирда янги педагогик технологияларни таълим жараёнида кенгроқ жорий этилиши замирида ўқувчи-талабага берилиши лозим бўлган илмий билимлар кўлами ўқитиш усуллари ва шаклларининг доирасини кенгаштириш зарурлигини тақозо этмоқда. Ўрта ва олий мактабларда дарс беришнинг **ноанъанавий методларига** қуйидагилар киради: Дарс-маъруза, дарс-семинар, дарс-мунозара, дарс-конференция, дарс-экскурсия, дарс-мусобақа (конкурс дарслари) мустақил ишлар дарслари ва бошқалар мавжуд. Шуларнинг ҳар бири ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

1. **Дарс-маъруза.** Ўрта мактабда дарс-маъруза юқори синфларда қўлланилиб, фаннинг асосий ғоя ва муаммоларни очиб беришда юқоридаги методдан фойдаланилади. Таълим мактабларида маъруза-дарслари савол-жавоблар, кўргазмали ва бошқа методлар билан қўшилган ҳолда ўтказилади. Масалан: 5-10 минутлик маърузадан сўнг (яъни назарий билимлар берилгандан кейин), ўқувчилар га техник воситалар ёрдамида берилган билимлар амалда кўрсатилади. Шунингдек, маърузанинг бир қисмида назарий маълумотлар берилса, иккинчи қисмини савол-жавоблар, мунозара ва шаклда ташкил этиш мумкин.

2. **Муаммоли-дарс.** Муаммоли-дарс ўтиш мазмуни суҳбат дарсларидан унчалик фарқ қилмайди. Аммо, ўрта мактабда ўқувчиларни изланиш жараёнига йўллашда ўқитувчининг фаоллиги кўпроқ талаб этилади. Муаммоли дарс қуйидаги қисмлардан иборат бўлиш мумкин:

- Табиий, ижтимоий, техник, техноген, агробиологик ҳодисалар, жараёнлар ўртасида зиддият, қарама-қаршилк мавжудлиги аниқланади.
- Ҳар хил ҳодиса, жараён ва бошқаларнинг юзага келиш сабаблари ривожланиши, кечиши ва якуни ҳақидаги фаразлар илгари сурилади.
- Ўқувчилар (талабалар) билан биргаликда изланиш натижасида илгари сурилган фаразнинг қанчалик тўғри ёки нотўғри эканлиги исботланади.

- Ҳар хил тизимлар, ҳодисалар, жараёнлар ўртасида ўзаро боғлиқлик қонуниятлари ҳақида хулоса чиқарилади ва нарса, ҳодисаларнинг янги томонлари очилади.

3. **Далада-дарс:** Табиат билан боғлиқ дарсларни (биология, агробиология, экология ва бошқалар) айнан шу мавзу билан боғлиқ жойда, дала, боғ, тоғ. тажриба майдони ва бошқа жойларда ўтказилиши мумкин. Масалан: айрим дарсларни очиқ ҳаводa, айрим табиий нарсаларни: ўсимликлар, ҳайвонлар, паррандаларни намойиш қилиш орқали жонли тарзда ўтиш мумкин.

4. **Дарс-драма:** АҚШлик олим Морено 1934 йилда оила, шахсий ва иш фаолиятида юз берадиган низоли вазиятлардан чиқиш, психологик вазиятлар ечимини топишда драматик театр тажрибасидан фойдаланиш мумкинлигини қатор тадқиқотлар билан исботлади. Бу метод аста-секинлик билан олий ва ўрта таълим тизимига кириб кела бошлади. Адабиёт, оила психологияси, маънавият ва бошқа ҳамма фанлардан (ёки фанлар тарихидан) дарс-драмаларни ташкил этиш мумкин. Аммо, дарс-драманинг асосий мақсади, ўқувчилар орасида ҳамжиҳатлик, жипслик, дўстлик ҳис-туйғуларини шакллантириш, ўқитувчи-ўқувчи орасидаги муносабатларни яхшилаш, ўқувчи (талабанинг) шахсий ҳаёти, жамоадаги шахслараро муносабат ва мулоқотда ижобий психологик муҳитни ташкил этишга мўлжаллангандир.

5. **Дарс-мунозара.** Бундай дарсларни ташкил этишдан олдин мунозара мавзуси, йўналиши ўқувчиларга эълон қилинади. Шу соҳада ўқиш зарур бўлган илмий, бадиий адабиётлар билан ишлаш ҳақида маслаҳат берилади. Дарс жараёнида уятчанг, камгап, суст ўқувчиларни доимо саволлар бериш, уларни фикрини сўраш билан фаоллаштирилиб турилади.

6. **Дарс-саёҳат:** Дарс-саёҳат олдиндан тузилган режа асосида ўтказилади ва бу дарсга катта тайёргарлик ишлари талаб қилинади.

Борди-ю ўқитувчи «Ўзбекистоннинг-ўрмонлари» мавзусида саёҳат ташкил қилмоқчи бўлса у олдин ўқувчиларга ўрмонлар ҳақида,улардаги экологик аҳвол, дарахт ва ўсимликларнинг турлари ҳақида тушунчалар беради. Саёҳат жараёнида ўқувчилар билан дарахт ва ўсимликлар турларини, табиат манзараларини, расмларга, видео тасмаларга уларнинг суратлари олинади. Саёҳатнинг натижаси тўпланган намуналар, олинган расм ва видео суратларни намойиш этиш билан таҳлил қилинади. Бу шаклда олиб борилган дарслар ўқувчиларнинг хотираларида узоқ муддат муҳрланиб қолади.

## 2.10. Таълимнинг илғор педагогик технологиялари

Педагогик технология таълим жараёнини ташкил этиш, тайёрлаш илмий методик жихатдан таъминлаш, амалга ошириш, таълим натижаларининг сифатини бахолашдан иборат булган яхлит тизимда уз ифодасини топади. Шу сабабдан миллий таълим – тарбия тизимини такомиллаштириш учун янги типдаги укув режа, укув дастурлари ва таълим стандартлари яратилди, лекин уни тула амалга ошириш учун таълим мазмунига янги педагогик натижалар, технологияларни олиб кириш, уларни жорий этишнинг кулай шарт–шароитларини яратиш лозим.

«Педагогик технология» тушунчасини олимларимиз турлича таърифлайдилар ва шархлайдилар.

Масалан: «Педагогик технология» – бу укитувчи (тарбиячи) нинг таълим–тарбия воситалари ёрдамида укувчи (талаба)ларга муаян шароитда таъсир курсатиш ва бу фаолият махсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахсий сифатларни шакллантирш жараёнидир. (Н.Сайидахмедов)

Япон олими Т.Сакамота томонидан педагогик технология – бу укитишнинг макбуллигини таъминловчи йул йуриклар тизими билан боғлик билимлар сохаси эканлиги эътироф этилади.

Таникли рус педагоги, олима Н.Ф.Тализина технологияни «белгиланган укув максадига эришишнинг окилона усулларини аниклашдан иборат» деб тушунтиради. И.Я.Ларнернинг

фикрича, педагогик технология – «укувчилар харакатларида акс этган укитиш натижалари оркали ишончли, англаб олинадиган ва аникланадиган максадни ифодалашни такозо этади.».

Юкорида келтирилган таърифлардан куриниб турибдики, педагогик технология белгилаб олинган бошланғич максад ва мазмун асосида укув жараёнини лойихалаш сифатида талкин этиляпти. Бу бир жихатдан туғри, лекин теранрок фикр юритилса, унинг бир ёкламалиги яккол кузга ташланади, чунки бундай ёндашувларда укувчи шахси инкор этилаяпти. Бу камчиликни биринчи булиб академик В.П.Беспалько пайкади ва узининг йирик асарида «педагогик технология – бу укитувчи махоратига боғлик булмаган холда педагогик муваффакиятни кафолатлай оладиган укувчи шахсини шакллантириш лойихасидир», – деб таърифлайди.

Педагогик технология тушунчасини ойдинлаштиришга каратилган таърифлар хилма–хиллиги, бир томондан, ривожланган мамлакатларда бу мавзунинг у ёки бу даражада ечилаётганлигини курсатса, иккинчи томондан педагогик технологияни педагогик амалиётга жорий этишга булган уринишларнинг маълум натижасини ифодалайди. Узок йиллар давомида педагогик технология назарияси ва амалиёти бир – бирига боғлик булмаган холда урганиб келинди.

Олимларимизнинг фикрича, янги педагогик технология педагогика фанинг алохида тармоғи сифатида ёки факат таълим амалиётини макбуллаштиришга йуналтирилган тизим деб караш мумкин эмас. Педагогик технология бу педагогика сохасидаги назарий ва амалий изланишларни бирлаштириш доирасидаги фаолиятни акс эттиради. **Педагогик технология** бу укитувчи педагогик махоратининг юксак чуккиси булиб, таълим-тарбияни хар кандай мураккаб вазиятда хам аник кулланиладиган усул, воситаларнинг мажмуидир.

Педагогик технология бошка сохалардаги техналогик тажрибалар билан узлуксиз бойиб боради ва анъанавий укув жараёнига, унинг самарасини оширишга таъсир курсатишнинг янги имкониятларини эгаллаб олади. Таълим – тарбия жараёнини технологиялаштириш тарихига назар соладиган булсак, бу жараён XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб объектив вокеаликка айланди. Ахборотлаштириш эса, бу жараёндаги инкилобий бурилишидир. Оддий тил билан айтганда таълимда «ахборот технологияси – бу укувчи – компьютер» уртасидаги мулокотдир.

Ахборотли технология педагогик технологиянинг таркибий кисми, техника воситаларининг мукаммаллашган замонавий тури сифатида таълим жараёнида кулланила бошланди.

Бугунги кунда узлуксиз таълим тизимида, жумладан касб-ҳунар таълимида эски услуб билан янги вазифаларни амалга ошириб булмайди. Шунинг учун фикримизча, биз бу масалани янги педагогик технология асосида амалга оширишимиз мумкин.

Педагогик технологияни эгаллаш энг аввало тинимсиз мехнат, хар бир укитувчининг уз устида ишлашни такозо килади. Бу иш дастлаб илғор педагогик тажрибаларни урганишдан бошланиши лозим. Илғор педагогик тажрибаларни урганиш ва ёйиш укитувчилар учун уз касб махоратларини такомиллаштиришнинг энг кулай шаклидир. Илғор педагогик тажриба укитувчининг уз педагогик фаолиятига ижодкор ва новаторларга ёндашиб, укувчиларга таълим ва тарбия беришнинг янги йулларини излаб топишдир.

Илғор педагогик тажрибаларни аниклашда маълум мезонларга асосланиши керак. Бунда энг мухим укитувчи уз педагогик фаолиятида куллайдиган таълим – тарбиянинг энг яхши шакл, метод ва усулидир. Бу мезон илғор укитувчини оддий укитувчилардан ажратадиган энг мухим белгидир.

Илғор педагогик тажрибани ифодаловчи яна бир мезон унинг юкори натижага эришиш учун замин хозирлайди. Бунда укувчиларнинг билими ва тарбияланганлик даражаси хисобга олиниши зарур. Бундан ташкари илғор педагогик тажрибанинг кулайлиги ва тежамлигини хисобга олиш зарур, чунки юкори натижага эришишда укувчилар ва укитувчиларнинг кучини, вактини тежаш, уларни толиктиришдан асраш хам мухимдир.

Педагогик технологияни эгаллашдаги мухим боскич укитувчиларимизнинг педагогик махоратининг мухим таркибий кисми хисобланган педагогик техникани эгаллашдир.

Педагогик техника укитувчига таълим – тарбия фаолиятида зарур булган умумий педагогик малакалар мазмунини уз ичига олади.

Педагогик технология пиллапоялари сари интилаётган укитувчи учун кейинги боскич – педагогик ижод килишни билиши хисобланади. Педагогик ижод фаолият сифатида янгилик яратиш булиб, узининг такрорланмас ижтимоий мохияти билан ажралиб туради.

Педагогик ижоднинг узига хослиги, такрорланмаслиги шундаки, унинг махсули сифатида инсон шахси шаклланади.

Касб-ҳунар коллежларида педагогик технологияни таълим жараёнида, яъни дидактик тизимга курадиган булсак, дидактик тизимда максад мухим булиб, унга эргашиш маълум шароит ва укувчи фаолиятининг мазмунини ташкил этади. Педагогик технология ёрдамида таълим жараёнидаги хато, камчиликлар, мавхумликни олди олинади ва аввалдан таълим жараёнини лойихалаштириб ва уни бирин-кетин вокеликка айлантириш асосида уни такомиллаштириш хисобланади.

Касб-ҳунар коллежларида педагогик технология асосида дарс ўтиш педагогик тизимни лойихалаштириш сифатида таълим жараённинг яхлитлигини, унинг максад, вазифаси амалга ошириш шаклларини, услубларини хамда укувчилар фаолиятини бошкариш билимини назорати ва текширишнинг узвийлигини таъминлайди. Шундай килиб педагогик технология таълим-тарбия жараёнида мазмунли амалга ошириш техникасидир.

## 2.11. Масофадан ўқитиш технологияси

Ҳозирги замон таълим тизимида масофавий ўқитиш таълимнинг қулай тури сифатида кириб келди. Масофавий таълим маълумот олишнинг шундай шаклидирки унда кундузги ва сиртқи таълим билан бир қаторда маълумот жараёнида таълимнинг компьютер ва телекоммуникация технологияларига асосланган афзал анъанавий ва инновацион метод, восита ва шаклларидан кенг фойдаланилади.

2001-2005 йилларда компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш, «Замонваий компьютер» ва ахборот технологияларини иқтисодиёт, фан ва таълимнинг барча соҳаларига кенг жорий этиш, халқаро ахборот тизимларига, шу жумладан «Интернет» га кириб боришни кенгайтириш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш даражасини ошириш мақсадида 2001 йил 24 май Вазирлар Маҳкамасининг қарори чиққан эди. Шу муносабат билан барча ўқув муассасаларида, олий ўқув юртларида, ўқув тизимини янгидан ислоҳ қилиш, замонавий технологиялар асосида ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга кенг жалб қилиш, ривожланган мамлакатлар ўқув тизимидаги янгиликлар, ютуқларни ўрганиш ва уларни ўзимизда тадбиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Ҳозир бу йўналишда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида, қолаверса, бир қатор университетларда кенг кўламда илмий-услубий ишлар олиб борилмоқда. Бунда «Масофадан ўқитиш» алоҳида ўрини тутишини уқтирамиз.

Дунёда масофавий таълим технологияси ҳозирда ривожланган мамлакатлар ўқув тизимининг асосини ташкил этади. Бу тизим орқали талабалар фақат белгиланган жойдаги аудиторияларда таълим олмасдан, маълум масофадан туриб ўрганиш, мулоқот ўрнатиш имкониятига эга бўладилар. Бу каби ўқув тизими Америка, Ҳиндистон очиқ университетларида кенг йўлга қўйилган.

Масофадан ўқитишнинг турли кўринишлари мавжуд:

- локал компьютер тармоғи орқали;
- глобал компьютер тармоғи орқали;
- махсус кабель телевиденияси орқали;
- ҳар хил компакт дисклар, кассеталар орқали фойдаланиш турлари.

Масофадан ўқитишнинг устун томонлари қуйидагилардир:

- ўқитувчи ва талаба вақтдан ютади, талабани замонавий технологияларга яқинлаштиради;
- ҳар томонлама тежамкорликка эга ва албатта асосийси ўқитишда, масофа танламайди;

- талабаларнинг ўрганиши учун қулай, осон ва содда ҳамда қайта ўзлаштириш, такрорлаш, вақтга мослаш имконияти мавжуд;
- кейинчалик иш жойида замонавий технологияларда тадбиқ этиш учун мос;
-ўқув материалини замон талабига биноан тез ва доимий ўзгартириш имконияти мавжуд. Шу билан бирга келажак учун муаммо бўлмаган камчиликлари ҳам мавжуд;
- албатта фойдаланишда зарур компьютер ва техника қуроллари мавжуд бўлиши;
- керакли технологиялардан фойдаланишда етарли кўникмага эга бўлиш;
- техник кўрсаткичларга тобелиги.

Масофавий таълимнинг таркибий қисмлари қуйидагилар: ўқитувчи, ўқувчи, коммуникация. Масофадан ўқитишни наафақат таълим соҳасида, балки кундалик турмушимизнинг барча соҳаларида ҳам қўллаш мумкин ва яхши натижалар беради:

- банк ва молия соҳасида – турли маълумот олиш, алмашиш;
- ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида – тезда маълумот алмашиш;
- савдо – сотиқ соҳаларида, боғча – яслиларда қўллаш;
- транспорт тизимида фойдаланиш, ҳарбий соҳаларда қўллаш;
- кутубхона тизимида фойдаланиш;
- дам олишда ва бошқа соҳаларда фойдаланиш имкониятлари мавжуд.

Ҳозирда масофадан ўқитишнинг бир неча моделлари ишлаб чиқилган қўлланмаларни уларда жойлаштириш ва улардан фойдаланишни ташкил қилиш бўлса, иккинчиси ҳар хил электрон қўлланмаларни тайёрлаш ва уларни CD лар орқали фойдаланишни ташкил қилиш ҳисобланади.

Мен қуйида Россия ва Ўзбекистонда амалга оширалаётган масофавий таълим курслари, Интернет ресурслари манзилларидан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин.

**Евгения Семеновна Полат**, доктор педагогических наук, профессор
http://vio.fio.ru/vio_03/cd_site/Articles/art_1_1.htm (2.05. 2012 г.)ва (http://www.center.fio.ru/do
Мен ушбу Интернет манзилларидан битирув Ишим мавзусига доир маълумотлардан фойдаландим

Қуйида мен интернетдан олган янгиликларни намуна сифатида беряпман.

## ИНТЕРНЕТ ЯНГИЛИКЛАРИ

Курс дистанционного обучения для учителей
Автор проф. Е. С. Полат

**Обучение в сотрудничестве**

**Метод проектов (14/06/ 2012 г.) www// ziyonet.uz**

Основные тенденции развития систем образования в мировой педагогической практике

Прежде чем приступить к изучению конкретных новых педагогических технологий, мы предлагаем ознакомиться хотя бы в кратком изложении с основными тенденциями развития систем образования в мире. Думаю, это поможет лучше понять роль новых технологий в практике обучения, которую скорее следует рассматривать как процесс интеллектуального, творческого и нравственного развития учащихся. Развитие становится ключевым словом педагогического процесса, как альтернатива понятию обучение. Чем обусловлено такое направление педагогической науки и практики?

Что нужно современному молодому человеку для того, чтобы чувствовать себя комфортно в новых социально - экономических условиях жизни?

Какую роль должна играть школа и какой она должна быть в XXI веке, чтобы подготовить человека к полноценной жизни и труду?

Ответы на эти и некоторые другие вопросы мы попробуем вам дать в этом курсе. И начнем наш разговор с анализа основных тенденций развития систем образования в мировой педагогической практике.

Системы образования призваны способствовать реализации основных задач социально - экономического и культурного развития общества, ибо именно школа, вуз готовят человека к активной деятельности в разных сферах экономики, культуры, политической жизни общества. Поэтому роль школы как базового звена образования чрезвычайно важна, способность школы достаточно гибко реагировать на запросы общества, сохраняя при этом накопленный положительный опыт, имеют чрезвычайно важное значение. Вместе с тем школа достаточно консервативна и не всегда социально - экономические изменения, научно - технический прогресс находят необходимый отклик в среде школьных и вузовских работников. Разве не актульны парадоксальные выводы, высказанные американским учителем Конни Стаут на страницах журнала Educom Review (nov./dec 1994, p. 38) о том, что учитель, получивший диплом в 1890 году, мог бы совершенно спокойно войти сегодня в класс, подойти к классной доске и начать урок. Представить себе аналогичное положение, например, в хирургии просто невозможно. Но учебный процесс в массовой школе мало изменился со времен Гербарта, предложившего классно - урочную систему и определенную схему ведения урока. Мне возразят, что с тех пор изменилось кардинальным образом содержание обучения, появилось огромное количество новых средств обучения. Все это так, и вместе с тем, мы и сейчас придерживаемся парадигмы обучения, принятой в XIX веке - учитель - учебник (читай система средств обучения) - ученик. Это система, ориентированная на преподавание, на центральную роль учителя в этом процессе и ученика как объекта этой деятельности. Все заявления о том, что ученик должен стать субъектом учебного процесса пока не реализуются на практике в должной мере. Для этого важно, чтобы философская парадигма демократического устройства общества: человек - общество - государство реализовывалась во всех сферах жизни общества, и в первую очередь, в системе образования.

В настоящее время практически все развитые страны мира осознали необходимость реформирования своих систем образования с тем, чтобы ученик, студент действительно стали центральной фигурой учебного процесса, чтобы познавательная деятельность учащегося находилась в центре внимания педагогов-исследователей, разработчиков программ образования средств обучения административных работников, т.е. процесс познания а не преподавание, как это было до сих пор при традиционном обучении. Это стало особенно очевидно, когда образование во всех практически развитых странах приобрело характер обязательного массового среднего образования. Важность такого подхода к образованию, по-моему, очень точно выразил один видный американский бизнесмен Джон Гриллос. Он заявил, что его мало беспокоит прочность приобретаемых учащимися знаний в той или иной области, поскольку эти знания подвергаются изменениям каждый год и эти знания устаревают подчас раньше, чем учащиеся сумеют их усвоить. Гораздо важнее, считает бизнесмен, чтобы в экономику приходили молодые люди, умеющие самостоятельно учиться работать с информацией, самостоятельно совершенствовать свои знания и умения в разных областях, приобретая, если окажется необходимым, новые знания, профессии, потому что именно этим им придется заниматься всю их сознательную жизнь.

Итак, общество информационных технологий или как его называют постиндустриальное общество в отличие от индустриального общества конца XIX - середины XX века гораздо в большей степени заинтересовано в том, чтобы его граждане были способны самостоятельно, активно действовать, принимать решения, гибко адаптироваться к изменяющимся условиям жизни.

Отсюда современное информационное общество ставит перед всеми типами учебных заведений и прежде всего перед школой задачу подготовки выпускников, способных:

- гибко адаптироваться в меняющихся жизненных ситуациях, самостоятельно приобретая необходимые знания, умело применяя их на практике для решения разнообразных возникающих проблем, чтобы на протяжении всей жизни иметь возможность найти в ней свое место;

- самостоятельно критически мыслить, уметь увидеть возникающие в реальной действительности проблемы и искать пути рационального их решения, используя современные технологии; четко осознавать где и каким образом приобретаемые ими знания могут быть применены в окружающей их действительности; быть способными генерировать новые идеи, творчески мыслить;
- грамотно работать с информацией (уметь собирать необходимые для решения определенной проблемы факты, анализировать их, выдвигать гипотезы решения проблем, делать необходимые обобщения, сопоставления с аналогичными или альтернативными вариантами решения, устанавливать статистические закономерности, делать аргументированные выводы, применять полученные выводы для выявления и решения новых проблем);
- быть коммуникабельными, контактными в различных социальных группах, уметь работать сообща в различных областях, в различных ситуациях, предотвращая или умело выходя из любых конфликтных ситуаций;
- самостоятельно работать над развитием собственной нравственности, интеллекта, культурного уровня.

Таково веление времени не только для нашей российской школы, но и практически для любого развитого общества, что, естественно, предполагает определенные требования конструктивного плана к образовательным системам. Об этом говорят многочисленные публикации специализированных журналов, доклады на международных конференциях и симпозиумах, наконец, об этом говорят специально подготовленные аналитические материалы разных образовательных центров и ассоциаций для общественности и правительственных органов своих стран. Такой вывод был, например, сделан в докладе, подготовленном Международным центром образования "Определение эффективности обучения в американских школах" (июнь 26-29, 1994, штаты Атланта и Джорджия) на основе тщательнейшего анализа состояния образования в 10 крупнейших странах мира (США, Канада, Китай, Корея, Япония, Франция, Россия, Германия, Великобритания, Дания) по трем базовым предметам - математике, физике, языкам (чтение, письмо, говорение/слушание). Таковы выводы Круглого стола, организованного на страницах журнала Educom Review в ноябре 1994 года, в котором приняли участие ведущие педагоги США, бизнесмены, учителя и администраторы различных образовательных структур из разных штатов.

Еще недавно решить эти задачи не представлялось возможным в силу отсутствия реальных условиий для их выполнения при традиционном подходе к образованию, традиционных средствах обучения в большей степени ориентированных на классно-урочную систему занятий. За последние 10-15 лет такие условия если не созданы полностью, то создаются в разных странах с разной степенью успешности.

Какие условия для этого необходимы? Прежде всего возможность вовлечения каждого учащегося в активный познавательный процесс, причем не процесс пассивного овладения знаниями, а активной познавательной деятельности каждого учащегося, применения им на практике этих знаний и четкого осознания где, каким и образом и для каких целей эти знания могут быть применены, это возможность работать совместно, в сотрудничестве при решении разнообразных проблем, проявляя при этом определенные коммуникативные умения, возможность широкого общения со сверстниками из других школ своего региона, других регионов страны и даже других стран мира, возможность свободного доступа к необходимой информации не только в информационных центрах своей школы, но и в научных, культурных, информационных центрах всего мира с целью формирования собственного независимого, но аргументированного мнения по той или иной проблеме, возможности ее всестороннего исследования.

Решение этих задач требует комплексных усилий не только школы, но и всего общества. Процесс обучения современного человека не заканчивается в школе, профессионально-технических училищах, вузах. Поэтому уже в настоящее время возникла очевидная

потребность не только в очном обучении, но и в дистанционном, на основе современных информационных технологий.

Нужна новая парадигма образования: ученик - предметно-информационная среда (в том числе, новые информационные технологии) - учитель, присущая всем видам образования всем образовательным системам.

Решать все эти актуальные проблемы педагогики надо эффективно и последовательно, причем в достаточно короткие сроки, ибо потребности в перестройке образования и развитии соответствующей учебно-материальной базы очевидны уже сегодня. С этой целью, видимо, целесообразно, учитывая характер системообразующих связей между компонентами образовательной системы, найти то звено, за которое можно вытащить всю цепь, т.е. реально выполнить цели образования в новых социальных и экономических условиях. На наш взгляд, таким звеном могут стать новые педагогические и информационные технологии. Отделить одно от другого невозможно, поскольку только широкое внедрение новых педагогических технологий позволит изменить саму парадигму образования и только новые информационные технологии позволят наиболее эффективно реализовать возможности, заложенные в новых педагогических технологиях.

Поэтому прежде всего важно определиться с приоритетами в области педагогических технологий с учетом поставленных целей образования, с учетом интересов развития личности.

Среди разнообразных направлений новых педагогических технологий наиболее адекватными поставленным целям, с нашей точки зрения являются:

- "обучение в сотрудничестве" (cooperative learning);
- метод проектов;
- индивидуальный и дифференцированный подход к обучению.

Кроме того, если мы действительно хотим провозгласить гуманистический подход к образованию в качестве стратегического, то это означает возможность для любого человека не просто получить обязательное среднее образование, но и предоставить ему возможность выбора формы такого образования (очное или дистанционное), ориентацию образования (с гуманитарным или естественно-научным уклоном, историческим, экологическим, языковым профилем; в общеобразовательной школе, гимназии или лицее, пр.)

Все три направления новых педагогических технологий относятся к так называемому гуманистическому подходу в психологии и в образовании, главной отличительной чертой которого является особое внимание к индивидуальности человека, его личности, четкая ориентация на сознательное развитие самостоятельного критического мышления. Этот подход рассматривается в мировой педагогической практике как альтернативный традиционному подходу, основанному, главным образом, на усвоении готовых знаний и их воспроизведении.

## 2.12. Ўқув – тарбия жараёнини бошқаришда педагогик маҳорат

Жамиятнинг кундан кунга ўзгариб, ривожланиб бориши турли соҳаларда фаолият кўрсатаётганлар сингари ҳар бир ўқитувчидан ташаббускорликни, фаолликни, мустақил фикрлаш, янги ностандарт вазиятлардан чиқиб кета олиш, хусусиятларига эга бўлиш каби масалаларни ҳал этишни талаб этади. Бу каби талабларни муваффақиятли бажаришда ўқитувчининг педагогик маҳорати ва унинг педагогик тажрибаси катта аҳамиятга эга.

**Педагогик маҳорат -** бу ўқитувчи – тарбиячининг шундай **шахсий** (болажонлиги, хайриҳоҳлиги, инсонпарварлиги, меҳрибонлиги ва ҳ.к.) ва **касбий** (билимдонлиги, зукколиги, фидойилиги, ижодкорлиги, эрудицияси ва ҳ.к.) фазилатларини белгилайдиган хусусиятки, у ўз ўқув фанини чуқур ва атрофлича билишида, педагогик – психологик ва методик тайёргарлигида, талаба – ёшларни ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантиришнинг оптимал йўлларини излаб топиб, амалий фаолиятга қўллашида намоён бўлади._Шундай қилиб, педагогик маҳорат эгаси бўлиш учун ўқитувчи ўз ўқув предметини давр талаблари асосида билиши, педагогика, психология, методика фанларини мукаммал ўзлаштириши ҳамда инсонийлик, меҳнатсеварлик ва фидойилик каби маънавий – ахлоқий фазилатларни ўзида таркиб топтириши лозим.

Педагогик маҳорат - педагогик жараёнда таркиб топади. Педагогик жараён эса касбий ва шахсий тайёргарликни йўлга қўйиб, бўлажак мутахассисни меҳнатга, ҳаётга тайёрлаш учун давлат, жамият, миллат ва келажак авлод олдида жавоб берадиган мутахассисларни тайёрлашга хизмат қилади. Шунинг учун, педагог шахсий ва касбий фазилатлар эгаси бўлиши лозим. Педагогнинг шахсий фазилатлари сирасига иймон – эътиқоди, дунёқараши, ижтимоий эҳтиёж ва фаоллиги, одоб – ахлоқи, фуқаролик бурчларини ҳис қилиши, маънавияти, дилкашлиги, талабчанлиги, қатъийлиги ва мақсадга интилиши, инсонпарварлиги, ҳуқуқий билимдонлиги ва ҳ.к.лар киради. Булар ўқитувчига касбий хусусиятларни ўзида тарбиялаб боришга кўмаклашади.

Бу фақат ўқиш – ўқитиш дарс жараёнида амалга оширилади.

Дарс – педагогик жараённинг устахонаси. Бу устахонада маълумотлар баён этилади, идрок қилинади, ахборотлар ўзлаштирилади, билим, кўникма, малакалар назорат қилиниб, баҳоланади. Хуллас дарсда ўргатиш, етказиб бериш, бажариш, қўлга киритиш, ҳаётга қўллаш кўникмалари шакллантирилади. Бунда ўқитувчи муҳим вазифани амалга оширади – ўқувчиларни билим олишга йўналтирилади, жалб қилади ва уларни билмасликдан билишгача, воқеликдаги нарса ва ҳодисаларнинг оддийсидан мураккабигача билиш сари олға ҳаракатлантиради.

Педагогик – психологик назария ва мактаб тажрибаси ўқитувчининг дарсни тайёрлаш ва ўтказиш учун уч босқичли тайёргарлик лойиҳасини ишлаб чиқиш лозимлиги билан тавсифланади. Булар:

- дастлабки тайёргарлик;
- жорий тайёргарлик;
- якуний тайёргарликдир.

Дастлабки тайёргарлик ўз фаолиятини бир ўқув йилида ёки истиқболли режалаштиришдан бошланади. Педагогик маҳоратга берилган таъриф, ҳамда ўқитувчи-тарбиячининг профессиограммаси хусусиятлари ва ўқитувчига қўйиладиган ижтимоий–иқтисодий, сиёсий-маданий талаблардан келиб чиқиб педагогика назарияси педагогик маҳоратни қуйидаги асосий компонент (таркибий қисм)лардан иборат бўлиши лозимлигини ифодалайди.




**2.4-расм. Педагогик маҳоратнинг таркибий қисмлари**

Буларнинг барчаси хусусий моҳият-мазмун касб этсада, улар яхлит ҳолда ўқитувчи-тарбиячи(педагог)нинг касбий малакаларининг мазмунини ифодалайди.

Зеро, **педагогик техника –** ўқитиш, таъсир кўрсатиш, таълим тарбия олувчиларга ўз ҳис-туйғулари, билимлари, ахлоқий фазилатларини узатиш технологиясини ифодаласа, **педагогик муомала** – ўқитувчи касбий фаоллигининг бир кўриниши бўлиб, таълим - тарбияда шу жараён иштирокчиларининг ўзаро таъсир ва ҳамкорлигини акс эттиради.

**Педагогик ижод** – ўқитувчининг маҳорат пилапояларидан кўтарилишида яратувчанликни, ташаббускорликни, педагогик уддабуронликни ва тадбиркорликка элтувчи йўлни, бу йўлдаги қийинчиликлардан қўрқмасликни англатади. Ўз навбатида бу соҳада ўқитувчининг **педагогик қобилияти** ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки у педагогик жараёнда ўқитувчининг ақлий, эмоционал – иродавий жиҳатларини, ташкилотчилигини, билимдонлигини ва уларнинг бир-бирига боғлиқлигини ҳамда яхлит бир бутунлик касб этишини ифодалайди.

**Педагогик маданият** ўқитувчи-тарбиячилик бурчи, масъулияти, қадр-қиммати, виждони, ахлоқий эътиқодини назарда тутиб, ўқитувчининг талабчанлиги, адолати, комиллиги, ростгўйлиги, тўғрилигини англатади. Педагогик маҳорат тизимида **педагогик назокат (такт)** – ўқитувчининг педагогик мақсадга мувофиқ, фойдали, қимматли ҳаракатларининг ўлчови, меъёри ва таъсир воситасининг чегараси сифатида характерланади. Аммо, ўз касбининг моҳир устаси бўлиш учун фақатгина уларга таяниб, иш тутиш кутилган натижани бермаслиги мумкин. Бунинг учун мунтазам равишда педагогик фикрлаш, педагогик ўйлаш, педагогик иш тутиш лозим бўлади. Бу деганимиз, ўз фаолиятини педагогик ҳодисаларни, вазиятларни таҳлил қилиш, уларнинг ҳар бир боғланиш жойларини англашга интилиш, кунлик натижаларни мустақил равишда таҳлил қилиши ва янги таълим-тарбияга доир ғояларни аввалгилари билан таққослай олишга одатланиши ҳам лозим бўлади. Асосий педагогик-психологик муаммоларни топа олиш уларни ҳал этишнинг энг қулай йўлларини топиш устида ўйлаш ҳам керак.

Педагогик маҳорат тизимида унинг асосий компонентларидан ташқари касбий хусусиятлар ҳам мавжуд. Педагогнинг касбий хусусиятларига: ўз касбини, талабаларни севиши, зийраклиги, ҳозиржавоблиги, вазминлиги, педагогик салоҳияти, тасаввури, иқтидори, ташкилотчилиги, чуқур ва кенг илмий савияси, касбий лаёқатлилиги, маънавий

эҳтиёжи ва қизиқиши, интеллекти, янгиликни англай ва қўллай олиши, касбий маълумотни мунтазам оширишга интилиши ва бошқа фазилатлари киради.

Юқорида қайд этилган фикрларга асосланиб, касбий педагогик маҳоратни муайян тайёргарлик жараёнларидан иборат деб айтиш мумкин. Демак, педагогик маҳорат – ўқитувчи – тарбиячининг шахсий ва касбий сифатлари йиғиндиси хисобланиб, у педагогик – психологик, методик билимлар мажмуасидан иборат бўлади.

## 2.13. Кўргазмали қуроллар ва ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш

Ўқитиш жараёнида кўргазмали усуллардан фойдаланишнинг муҳимлиги ўқитувчининг ўрганилаётган нарса ва ҳодисаларни ҳиссий идрок этишга, уларни кузатиб мушоҳада қилишга, ўқувчини ундаш ва уларнинг назарий билимларни амалиётда қўллай олишга ўргата билиши билан изоҳланади. Буюк чех педагоги Ян Амос Коменский кўрсатмалиликни таълимнинг асосий воситаси деб кўрсатади. Дарсда буюм ва нарсаларнинг асли, тасвири, техник воситалар, тасвирий-кўргазмали қуроллардан фойдаланиб ўтилса, яъни мавзу шу асосда баён этилса дарс тўғри ташкил қилинади ва самарали якунланади. Ўқув материалининг кўрсатмали бўлиши ёшларни ўзлаштирилган илмий билимларни тажрибада, ишлаб чиқариш амалиётида қўллай олишлари учун зарур бўлган кўникма ва малакалар билан қуроллантиради.

Таълим жараёнида кўргазмалилик усули намойиш этиш, иллюстрация ва экскурсия тариқасида олиб борилади. Ўқитишда намойиш этиш усулидан фойдаланиш материалларнинг характерига – мазмуни, шакли ва ҳажмига боғлиқдир. Кўргазмали материаллар характер эътиборига кўра икки турда бўлади:

1. Аслича кўрсатилиши мумкин бўлган буюм ва нарсалар: ўсимликлар, ҳайвонлар, маъданлар, коллекциялар, асбоб ва машиналар, моделлар ва ҳ.к.
2. Тасвирий-кўргазмали материаллар: буюм, нарса ва ҳодисаларнинг тасвирини ифодаловчи материаллар: расм, сурат, диафильм, кинофильм, жўғрофия ва тарих карталари, чизмалар, жадваллар, диаграммалар ва ҳ.к.

Тасвирий - кўргазмали материаллар – иллюстрация материаллари деб ҳам аталади. Таълим жараёнида тасвирий – иллюстрация материалларидан фойдаланиш кенг қўлланилади.

Таълим воситалари (ҳажмли табиий объектлар, тоғ жинслари, қазилма бойлик намуналари, ўсимликлар, машиналар, деталлар, материаллар, объектлар тасвири, босма ўқитиш воситалари ва ҳоказо) нинг мазмунини ўқувчиларга етказиб бериш катта қулайликлар яратиб, узатилаётган материални ўқувчилар томонидан тез идрок қилишларида замин яратади. Бундан ташқари ўтилган матириал ўқувчлар хотирасида узоқ вақт сақланишида ёрдам беради. Таълим воситалари қуйидаги турларга бўлинади:




2.5 - расм. Таълим воситалари турлари

Ўқитишнинг техник воситалари ўқиш воситалари мазмунини ўқувчиларга етказиб берувчи ўқитиш қуролидир. Ўқитишнинг техник воситалари ўқитиш воситалари билан биргаликда ишлатилади. Ўқитиш техник воситалари ўқитиш жараёнида тутган ўрнига қараб информацион, назорат ва дастурлашган техник воситаларига синфланади.

Таълим жараёнида кўргазмали қўлланма ва ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш орқали талабалар томонидан ўзлаштириладиган материал пухта ўзлаштирилишига, узоқ вақт хотирасида сақланишига, идрок қилиш вақтини қисқартиришга замин яратилади. Бунда ўқитувчи дарсга ажратилган вақтдан унумли фойдаланади, талабалар диққатини  ўқув материалига жалб қилади ва талабаларда фанга нисбатан ижобий муносабатларини шакллантиради.

## 3. Ижтимоий-иқтисодий масалалар мажмуаси

### 3.1. Фермер хўжаликларини йириклаштиришнинг иқтисодиётдаги ўрни

Республикамиз иқтисодиётининг аграр тармоғида иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши натижасида турли хил хўжалик юритиш шаклларига асосланган хўжаликлар ривож топиб, кўп укладли иқтисодиётнинг пайдо бўлишига замин яратилди ва бошқариладиган бозор муносабатлари тизимига ўтишга, аграр соҳада ишлаб чиқариш муносабатларини тубдан қайта қуришга имконият туғилди.

Маълумки бозор иқтисодиётининг асосий шартларидан бири бу маълум бир мулк шаклининг якка ҳокимлигига йўл қўймаслик орқали иқтисодий рақобат учун замин яратиш ҳисобланади ва шунингдек Республикамизда кўп йиллар давомида шаклланган давлат мулки ҳиссасини кескин камайтиришни тақозо этади. Ушбу чора-тадбирлар тизимида фермер хўжаликларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки бозор муносабатлари шаклланган ва иқтисодиёти ривож топган мамлакатлар тажрибаси хўжалик юритишнинг мана шу шакли аграр соҳада иқтисодий жиҳатдан катта самара беришини кўрсатиб турибди.

Президентимиз таъкидлаганидек: “Жаҳон иқтисодиётида вужудга келаётган тенденциялардан, шунингдек, мамлакатимизни келажакда иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш стратегиясидан келиб чиққан ҳолда, 2012-йилда ва ундан кейинги йилларда қуйидаги устувор вазифаларнинг амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади.

Биринчи даражали эътибор мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш бўйича дастур тайёрлаш ва уни амалга оширишга қаратилиши зарур. Бу мақсаднинг долзарблиги ва аҳамияти аввало шу билан белгиланадики, биз ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётимизни ривожланган демократик давлатлар даражасига олиб чиқишни ҳозирги босқичдаги бош стратегик вазифа сифатида ўз олдимизга қўйганмиз”[1].

Ўз-ўзидан аёнки, рақобатдош иқтисодиётни шакллантирмасдан, пировард натижада эса рақобатдош мамлакатни барпо этмасдан туриб, биз қабул қилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида кўзда тутилган мақсадли вазифаларни амалга оширмасдан туриб, бу ҳақда жиддий сўз юритиш мумкин эмас. Бу вазифанинг ўртага қўйилиши, шунингдек, инқироз жараёнларининг чуқурлашуви, дунё миқёсида харид талабининг пасайиши ва шунга мувофиқ тарзда жаҳон бозорида хомашё, материаллар, айниқса, тайёр маҳсулотлар бўйича рақобатнинг йилдан-йилга кучайиб бораётгани билан ҳам боғлиқ, албатта.

Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

---

[1] Каримов И.А. 2011-йилнинг асосий якунлари ва 2012-йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. “2012 йил – ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади”. /“Халқ сўзи газтеси” // 2012 йил 21 январ.

**3.2. Фермер хўжаликларини йириклаштиришнинг бошқаришга таъсири.**

Ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва рақобатдош маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш бўйича қабул қилинган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, 2012-2016-йилларда ҳисоб-китоблар бўйича қиймати 6 миллиард 200 миллион доллар бўлган 270 дан зиёд инвестиция лойиҳасини, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича тармоқ дастурларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

. Танланган мавзунинг долзарблиги юқорида қайд этилган муаммолар ечимини топиш билан белгиланади.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифаси. Битирув малакавий ишининг мақсади бозор муносабатлари шакллана бораётган шароитда фермер хўжаликларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва уларнинг давлат ҳамда бошқа ташкилотлар билан бўладиган ўзаро иқтисодий муносабатларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсия ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат. Қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилади:

- Республикамиздаги амалга оширилаётган агроиқтисодий ислоҳотларнинг моҳияти ва амалга ошириш жараёнини илмий-амалий жиҳатдан ёритиб бериш;
- қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликлари фаолиятининг зарурияти асослаш ва уларнинг ҳозирги аҳволига, иқтисодий самарадорлик даражасига атрофлича баҳо бериш;
- фермер хўжаликларини ер, моддий-техника воситалар билан таъминлаш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш тизимини такомиллаштириш йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- фермер хўжаликларида молия-кредит муносабатларини ва уларнинг иқтисодида давлатнинг рағбатлантирувчи ролини ошириш йўналишлари бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишининг назарий ва методологик асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари, агроиқтисодиёт фанининг классик намоёндалари илгари сурган таълимотлар, йирик агроиқтисодчи олимлар ғоялари, илмий-тадқиқот институтлари олимларининг илмий ишланмалари ташкил этади. Иқтисодий воқеликни ўрганишда диалектик услуб асос қилиб олинди. Тадқиқот жараёнида маълумотлар бевосита фермер хўжаликларидан, Статистика Қўмитасидан, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги башқармаси ва бошқа ташкилотлардан олинди.

Битирув малакавий ишининг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

- қишлоқ хўжалигида агроиқтисодий ислоҳотларни ҳаётга татбиқ этиш жараёни илмий жиҳатдан таҳлил қилинган;
- фермер хўжаликларини кўп укладли иқтисодиётининг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида ташкил топиши ва ривожланиши давр талаби эканлиги илмий асослаб берилган;
- ихтисослашган фермер хўжаликлари ишлаб чиқариш имкониятлари ва ўлчамлари ишлаб чиқилган ва илмий жиҳатдан асосланган;
- фермер хўжаликларининг ишлаб чиқариш, иқтисодий фаолиятини илмий таҳлил қилиш натижасида ишлаб чиқариш салоҳиятидан самарали фойдаланиш имкониятлари очиб берилган, фермер хўжаликларида моддий-техника таъминоти, молия-кредит муносабатлари такомиллаштиришга оид илмий тавсиялар ишлаб чиқилган;
- мавжуд солиқ сиёсатини такомиллаштириш бўйича, яъни ишлаб чиқаришнинг ўсиб боришини моддий рағбатлантирувчи солиқ тизимини жорий қилишга илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқилган.

Битирув малакавий ишининг амалий аҳамияти. Илмий тадқиқот натижалари қуйидаги мақсадларда қўлланилиши мумкин:

- фермер хўжаликлари ва бошқа муассасалар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар билан боғлиқ бўлган муаммоларни ечиш жараёнида;

- фермер хўжаликларини ривожлантириш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда;
- қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда;
- қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва солиқ тизимини такомиллаштиришда;
- ўқув юртларидан ўқитиш дастурлари доирасида.

Битирув малакавий ишнинг таркиби ва ҳажми. Битирув малакавий иши кириш, уч боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

3.3. Косон туманидаги “Файзиев Абдусамад-Г “фермер хўжалигида йириклаштириш натижалари ва унинг самарадорлик кўрсаткичлари

Бизга маълумки қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларнинг асосий йўналишларининг мазмунида саноатни хом ашё билан, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан, чорвани эса озуқа базаси билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Вилоятимизда фермер хўжаликларини йириклаштириш натижасида уларнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари юқори бўлишига эришилмоқда. 2011 йилнинг 1 январ холатига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш амалдаги нархларда 1329800,9 млн. сўмни ташкил килади 2009 январ-декабрга нисбатан қишлоқ хўжалиги ялпи махсулоти 107,1 фоизни ташкил этди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотларининг улуши 709733,8 млн.сўмни (2009 йил январ-декабрга нисбатан 107,5 фоиз), чорвачилик маҳсулотлари-620067,1 млн. сўмни ёки 106,7 фоизни ташкил этди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши деҳқон хўжаликлари ҳиссасига 57,1 фоиз фермер хўжаликлари ҳиссасига 41,9 фоиз ва қишлоқ хўжалиги корхоналари бўйича 1 фоизни ташкил қилади.

Вилоятда деҳқончилик соҳасида дастлабки маълумотларга кўра, барча тоифадаги хўжаликларда жорий йил ҳосили учун қишлоқ хўжалик экинларининг умумий майдони 492980 гектарни ташкил килди. Бошоқли дон экинлари билан банд бўлган экин майдони 245720 гектар, пахта экин майдони 168196 гектар, картошка 6232 гектар,полиз экинлари 6335 гектар, сабзавот экинлари 14428 гектар майдонни ташкил қилди.

Ҳосил йиғиштириб олишда, 2011 йил 1 январ ҳолатига барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 993702 тонна бошоқли дон экинлари ишлаб чиқарилган бўлиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 101,2 фоизга кўпайган, шундан 931971 тонна буғдой ( 101,8 фоиз) ташкил қилади. Вилоятимизда 2010 йилда 168196 га майдона пахта экилди. 2011 йилнинг январ холатига 434786 тонна пахта йигиб олинди.

Барча тоифадаги хўжаликларда 97740 тонна картошка кавлаб олинди (2009 йилга нисбатан 113,4 фоизга кўп), 321468 тонна сабзавот (112,4 фоизга кўп) йиғиб олинди, 86122 тонна полиз экинлари ( 112,2 фоиз), 73434 тонна мева ва резаворлар ( 115,7 фоизга кўп) ва 49787 тонна узум (118,3 фоизга кўп) етиштирилди.

Чорвачилик соҳасида 2011 йилнинг 1 январ ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 1040353 бошга (107,0 фоизга), шу жумладан сигирлар 418547 бошга (106,8 фоизга), қўй ва эчкилар 3233219 бошга (109,0 фоизга), паррандалар 2551452 бошга (115,7 фоизга) купайди.

2010 йилда барча тоифадаги хўжаликларда 178732 тонна тирик вазнда гўшт (ўтган йилга нисбатан 106,8 фоизга кўп), 657162 тонна сут (106,5 фоизга кўп), 192627 минг дона тухум (112,5 фоизга кўп), 5290 тонна жун (105,0 фоизга кўп), 2808 тонна пилла (100,3 фоизга кўп) етиштирилди. Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 97,1 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 97,5 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 86,2 фоизни ташкил этди.

Вилоятда фермер хўжаликларига бириктирилган ер майдони 734073 гектарни ташкил этади. 2011 йилнинг 1 январ холатига фермер хужаликларида 859053 тонна бошокли дон, 27624 тонна картошка, 114994 тонна сабзавот, 43935 тонна полиз, 43269 тонна мева, 33266 тонна узум етиштирилди, бундан ташқари фермер хўжаликларида 44733 бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 14986 бош сигир, 106916 бош қўй ва эчкилар, 110,2 минг бош паррандалар мавжуд бўлиб, 2010 йилнинг 1 январига нисбатан йирик шохли қорамоллар сони 102,3 фоизга, қўй ва эчкилар 104,4 фоизга, паррандалар 132,3 фоизга кўпайди ва 2011 йилнинг 1 январ холатига фермер хужаликларида 2250 тонна тирик вазнда гушт (утган йилга нисбатан 108,2 фоизга куп), 12006 тонна сут ( 115,7 фоизга куп), 3,0 минг дона тухум (2,3 марта куп), 1262 центнер жун (104,6 фоизга куп) етиштирилди.

Биз қуйидаги жадвал орқали Косон туманидаги "Файзиев Абдусамад –Г" фермер хўжалигининг иқтисодий кўрсаткичлари билан танишиб чиқамиз.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, фермер хўжалигида йириклаштиришдан сўнг пахта етиштириш ҳажми ва сифати юқори бўлганлигини кўрамиз. Жами пахта етиштириш 2011 йилда 2009 йилга нисбатан 6,6 фоизга ошганлигини кўрамиз.

Кейинги жадвалда эса "Файзиев Абдусамад –Г" фермер хўжалигининг иқтисодий кўрсаткичларидаги маълумотлар билан танишиб чиқамиз.

Биз кейинги бобда фермер хўжалигида йириклаштиришнинг истиқбол ривожлантиришдаги аҳамияти тўғрисидаги фикрлар билан танишамиз.

1- жадвал

КОСОН ТУМАНИДАГИ "ФАЙЗИЕВ АБДУСАМАД-Г" ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИНГ УМУМИЙ ЕР МАЙДОНИ ВА УНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ

| № | Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | Йиллар | | | 2010 йилда 2008йилга нисбатан ўзгариши | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2008 | 2009 | 2010 | (+,-) | % |
| 1 | Умумий ер майдони | га | 84,8 | 85,7 | 85,7 | -0,9 | 101,1 |
| 2 | Шундан: Суғориладиган ерлар | га | 68,1 | 65,9 | 65,9 | -2,2 | 96,7 |
| 3 | Тутзорлар | | | | | | |
| 4 | Ихота дарахтлари майдони | га | 6,0 | 4,2 | 4,2 | -1,8 | 70,0 |
| 5 | Арик ва зовурлар | га | 3,3 | 3,3 | 3,3 | +0,3 | 110 |
| 6 | Йўллар билан банд ер | га | 1,3 | 1,4 | 1,4 | +0,1 | 107,7 |
| 7 | Боғзор | га | - | 5,9 | 5,9 | - | - |
| 8 | Қурилиш ости ер майдони | га | 0,1 | 0,7 | 0,7 | +0,6 | 700 |

2- жадвал

## КОСОН ТУМАНИДАГИ “ФАЙЗИЕВ АБДУСАМАД-Г” ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИНГ ЭКИН МАЙДОНЛАРИ ТАРКИБИ

| № | Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | Йиллар | | | 2010 йилда 2008йилга нисбатан ўзгариши | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2008 | 2009 | 2010 | (+,-) | % |
| 1 | Жами экин майдони | га | 68,1 | 65,9 | 65,9 | -2,2 | 96,7 |
| 2 | Шундан:Пахта | га | 46,2 | 40,9 | 23,2 | -23 | 50,2 |
| 3 | Ғалла | га | 21,9 | 24,3 | 42,0 | +20,0 | 192 |
| 4 | Мева | га | - | 5,9 | 5,9 | - | - |

3- жадвал

## КОСОН ТУМАНИДАГИ “ФАЙЗИЕВ АБДУСАМАД-Г” ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАРИНИНГ ҲОСИЛДОРЛИГИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

| № | Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | Йиллар | | | 2010 йилда 2008йилга нисбатан ўзгариши | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2008 | 2009 | 2010 | (+;-) | % |
| 1 | Пахта | ц/га | 39,2 | 41,0 | 32,0 | -7,2 | 81,6 |
| 2 | Ғалла | ц/га | 38,0 | 39,2 | 32,0 | -6,0 | 84,2 |
| 3 | Мева | ц/га | - | 216,0 | 239,0 | - | - |

4-жадвал

## КОСОН ТУМАНИДАГИ “ФАЙЗИЕВ АБДУСАМАД-Г” ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА МАҲСУЛОТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ДИНАМИКАСИ

| № | Кўрсаткичлар | ўлчов бирлиги | Йиллар | | | 2010 йил 2008 йилга нисбатан ўзгариши | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2008 | 2009 | 2010 | (+,-) | % |
| 1 | Пахта | тонна | 181,1 | 167,6 | 74,2 | -106,9 | 40,9 |
| 2 | Ғалла | тонна | 83,2 | 95,2 | 134,4 | +51,2 | 161,5 |
| 3 | Мева | тонна | - | 12,74 | 14,10 | - | - |
| 4 | Пилла | тонна | 3,0 | 3,1 | 3,8 | 0,8 | 126,6 |
| 5 | Тухум | тонна | 720 | 800 | 840 | 120 | 117,0 |

5-жадвал

КОСОН ТУМАНИДАГИ “ФАЙЗИЕВ АБДУСАМАД-Г” ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА 1 ЦЕНТНЕР ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ СОТИШ БАҲОСИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

| № | Кўрсаткичлар | ўлчов бирлиги | Йиллар | | | 2010 йил 2008 йилга нисбатан ўзгариши | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2008 | 2009 | 2010 | (+,-) | % |
| 1 | Пахта | минг сўм | 55360 | 73743 | 84642 | +29282 | 152,9 |
| 2 | Ғалла | минг сўм | 18674 | 24650 | 42410 | +23736 | 227,1 |
| 3 | Мева | минг сўм | - | 960 | 820 | - | - |
| 4 | Пилла | минг сўм | 968 | 1042 | 1146 | +178 | 118,3 |
| 5 | Тухум (минг донаси) | минг сўм | 180 | 190 | 200 | +20 | 111,1 |

6-жадвал

КОСОН ТУМАНИДАГИ “ФАЙЗИЕВ АБДУСАМАД-Г” ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА МАВЖУД ИШЧИЛАР СОНИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

| № | Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | Йиллар | | | 2010 йил 2008 йилга нисбатан ўзгариши | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2008 | 2009 | 2010 | (+,-) | % |
| 1 | Жами ишчилар сони | Киши | 38 | 38 | 46 | +8 | 121,0 |
| 2 | Шу жумладан: Доимий ишчилар | Киши | 8 | 8 | 16 | +8 | 200,0 |
| 3 | Мавсумий ишчилар | Киши | 30 | 30 | 30 | - | 100,0 |

7-жадвал

КОСОН ТУМАНИДАГИ “ФАЙЗИЕВ АБДУСАМАД-Г” ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИДА 2010 ЙИЛДА МЕВА СИФАТИНИ ОШИРИШГА ДОИР ТАДБИРЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ

| Т/р | Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | Дори ишлатилмаганда | Дори уч марта ишлатилганда |
|---|---|---|---|---|
| 1 | Ҳар гектардан олинган ҳосил | ц | 209 | 239 |
| 2 | Стандарт маҳсулот чиқиши | % | 35 | 95 |
| 3 | 1 гектардан дан олинган маҳсулот қиймати | минг сўм | 1950 | 6070 |
| 4 | 1 гектарга қилинган меҳнат сарфи | киши куни | 137 | 143,2 |
| 5 | Сарфланган бир киши куни ҳисобига маҳсулот олиш | сўм | 14,2 | 42,4 |

8-жадвал

# КОСОН ТУМАНИДАГИ "ФАЙЗИЕВ АБДУСАМАД-Г" ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИНГ МАВЖУД ТЕХНИКАЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

| Т/р | Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | Йиллар | | | 2010 йилда 2008 йилга нисбатан ўзгариши | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2008 | 2009 | 2010 | (+,-) | % |
| 1 | Занжирли ҳайдов трактори Т-4А | дона | 1 | 1 | 1 | - | 100 |
| 2 | Пахта экиш сеялкаси СТХ-4 | дона | 1 | 1 | 1 | - | 100 |
| 3 | Трактор омочлари ПЯ-3-35 | дона | 2 | 2 | 2 | - | 100 |
| 4 | Борона зиг-заг | дона | 6 | 6 | 6 | - | 100 |
| 5 | Культиватор | дона | 1 | 1 | 1 | - | 100 |
| 6 | Чизель | дона | 1 | 1 | 1 | - | 100 |
| 7 | Сув ташиш мосламаси | дона | 1 | 1 | 1 | - | 100 |
| 8 | Пучта очгич | дона | 1 | 1 | 1 | - | 100 |
| 9 | Копатель | дона | 1 | 1 | 1 | - | 100 |
| 10 | Трактор МТЗ-80 | дона | 1 | 1 | 1 | - | 100 |
| 11 | Культиватор ТТЗ-80 | дона | 1 | 1 | 1 | - | 100 |
| 12 | Прицеп | дона | 2 | 2 | 2 | - | 100 |

9-жадвал

## КОСОН ТУМАНИДАГИ “ФАЙЗИЕВ АБДУСАМАД-Г” ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИНГ ПАХТА ТОПШИРИШ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

| Т/р | Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | Йиллар | | | 2010 йилда 2008 йилга нисбатан ўзгариши | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | 2008 | 2009 | 2010 | (+,-) | % |
| 1 | Пахта топшириш навлари: | | | | | | |
| | I-нав соф вазни | кг | 68985 | 58144 | 53012 | -15973 | 76,8 |
| | II-нав соф вазни | кг | 7665 | 4227 | - | - | - |
| | III- нав соф вазни | кг | - | - | 3242 | - | - |
| | IV- нав соф вазни | кг | - | 620 | 2000 | - | - |
| | V- нав соф вазни | кг | - | 1614 | - | - | - |
| | Жами: | кг | 76650 | 64605 | 58254 | -18396 | 76,0 |
| 2 | Пахтанинг харид нархи: | | | | | | |
| | I-нав соф вазни | сўм | 388341 | 475124 | 555288 | - | - |
| | II-нав соф вазни | сўм | 357630 | 434300 | - | - | - |
| | III- нав соф вазни | сўм | - | - | 444632 | - | - |
| | IV- нав соф вазни | сўм | - | 283164 | 330937 | - | - |
| | V- нав соф вазни | сўм | - | 117695 | - | - | - |
| | Жами: | сўм | | | | | |
| 3 | Пахта сотиш бўйича жами сўмма: | | | | | | |
| | I-нав соф вазни | сўм | 26831094 | 27625609 | 2943692 | 2605833 | 109,7 |
| | II-нав соф вазни | сўм | 2741233 | 1835786 | - | - | - |
| | III- нав соф вазни | сўм | - | - | 1441496 | - | - |
| | IV- нав соф вазни | сўм | - | 175561 | 661874 | - | - |
| | V- нав соф вазни | сўм | - | 189959 | - | - | - |
| | Жами: | сўм | 29572327 | 29826915 | 31540297 | 1967970 | 106,6 |

10-жадвал

## КОСОН ТУМАНИДАГИ “ФАЙЗИЕВ АБДУСАМАД-Г” ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИНИНГ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ

| Т/р | Кўрсаткичлар | Ўлчов бирлиги | 2008 й | 2009 й | 2010 й | 2010 йилда 2008 йилга нисбатан ўзгариши | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | (+,-) | % |
| Пахтачиликда | | | | | | | |
| 1 | Ер майдони | га | 46,2 | 40,9 | 23,2 | -23,0 | 50,2 |
| 2 | Ҳосилдорлиги | ц/га | 39,2 | 41,0 | 32,0 | -7,2 | 81,6 |
| 3 | Ялпи ҳосил | тонна | 181,1 | 167,6 | 74,2 | -106,9 | 40,9 |
| 4 | Режага нисбатан | % | 165,0 | 132,0 | 145,4 | -19,6 | 88,1 |
| 5 | Жами даромад | минг сўм | 31875 | 39681 | 49576 | +17701 | 155,5 |
| 6 | Жами харажат | минг сўм | 19600 | 23874 | 30008 | +10408 | 153,1 |
| 7 | Фойда | минг сўм | 12275 | 15807 | 19568 | +7293 | 159,4 |
| 8 | Рентабеллик | % | 62,6 | 66,2 | 65,2 | +2,6 | 1,04 марта кўпайган |
| Ғаллачиликда | | | | | | | |
| 1 | Ер майдони | га | 21,9 | 24,3 | 42,0 | +20,1 | 192,0 |
| 2 | Ҳосилдорлиги | ц/га | 38,0 | 39,2 | 32,0 | -6,0 | 84,2 |
| 3 | Ялпи ҳосил | тонна | 83,2 | 95,2 | 134,4 | +51,2 | 161,5 |
| 4 | Режага нисбатан | % | 109,0 | 112,4 | 126,0 | +17 | 115,6 |
| 5 | Жами даромад | минг сўм | 52095 | 66432 | 87704 | +35609 | 168,3 |
| 6 | Жами харажат | минг сўм | 29845 | 31654 | 39961 | +19116 | 191,7 |
| 7 | Фойда | минг сўм | 22250 | 34778 | 47743 | +25493 | 214,6 |
| 8 | Рентабеллик | % | 74,5 | 109,8 | 119,4 | -5,1 | 1,6 марта кўпайган |

Ушбу жадвалда Косон туманидаги “Файзиев Абдусамад-Г” фермер хўжалигининг иқтисодий самарадорлиги кўрсаткичларини таҳлил қилар эканмиз фермер хўжалигида 2009-2011 йилларда пахтачилик ва ғаллачиликнинг иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари келтирилган. Бунда пахтачилик бўйича ҳосилдорлик 23,0 ц/га камайган, ғаллачиликда ҳосилдорлик эса 6,0 ц/га кўпайган. Пахтачилик бўйича рентабеллик даражаси 1,04 марта кўпайган, ғаллачиликда эса 1,6 мартага кўпайганлигини кўрамиз.

**3.4. Косон туманидаги “Файзиев Абдусамад-Г “фермер хўжалигида йириклаштиришнинг истиқбол ривожлантиришдаги аҳамияти**

Фермер хужаликларини давлат томонидан куллаб-кувватланиши

1. Фермер хужаликларига асосий восита сифатида ер узок муддатли ижарага берилган
2. Фермер хужаликлари ягона ер солиги туловига утказилган
3. Янгидан ташкил этилган пахта, галла, сабзавот, полиз, картошка ва бошка махсулотлар ишлаб чикариш фермер хужаликларига 2 йил муддатга, богдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хужаликлари 5 йил муддатга ягона ер солиги тулашдан озод этилган
4. Фермер хужаликлари кучи билан узлаштирилган ер майдонлари 5 йил муддатга ягона ер солиги туловидан озод килинган
5. Кишлок хужалиги корхоналарига техникалар лизинг туловлари оркали етказиб берилмокда
6. Хориждан кишлок хужалиги техникалари ва зотли чорва молларини олиб келишда кишлок хужалиги солиги ва божхона туловларидан озод этилган
7. Кишлок хужалигига хизмат курсатувчи мукобил МТПлар, СФУлар, агрофирмалар турли муддатга тегишли солик туловларидан озод килинган ва бошка имтиёзларга эга
8. Кишлок хужалигига мини-технологияларни олиб келишда турли солик туловларидан озод этилган
9. Кишлок хужалиги сохасини куллаб-кувватлаш максадида давлат кафолати асосида турли чет эл банкларининг имтиёзли кредитлари асосида 7 лойиха буйича иш олиб борилмокда
10. Давлат эхтиёжлари учун харид килинадиган пахта хом ашёси ва галла етказиб беришда, махсулот кийматининг 50% микдорида имтиёзли кредит (3%) ажратилган
11. Фермер хужалигига хакикатда етказиб берилган пахта хом ашёси хисобидан шелуха ва шротнинг 70% ажратиб бериш

Қишлоқ хўжалиги корхоналарини моддий-техника ресурслари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми



## 4. Назарий дарс ўтиш методикаси

### 4.1. Назарий таълим беришнинг асослари

Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида ўқувчиларга таълим-тарбия бериш жараёнининг асосий шакли назарий ва амалий машғулотлардир. Касб-ҳунар коллежларида ўқувчиларга назарий ва амалий билимларни пухта эгаллашлари учун барча имкониятлар ва шарт-шароитлар яратилган. Назарий дарснинг мақсади- ўқувчиларга ўргатиладиган фаннинг асосий назарий қисмини тушунтиришдан иборат. Бунда дидактиканинг илмийлик тамойилига асосланади. Бунда дидактиканинг илмийлик тамойилига асосланади. Назарий дарс ўтишда асосан фанлараро боғлиқликка катта эътибор бериш керак.

Касб-ҳунар коллежларида назарий дарс ўтишда қуйидаги асосий таълим хусусиятларига эътибор берилиши лозим.

1. Берилаётган билим, тушунча илмий асосга эга бўлиши ва аниқлик омиллари билан тўлдирилган бўлиши;
2. Ўқитиш давомида таълим ва тарбиянинг бирлигига эътибор бериш;
3. Ўтилаётган мавзулар узлуксиз, илмий асосга эга ва ўқувчилар тушуна оладиган бўлиши;
4. Назарий дарс ҳаётий ва янги маълумотлар билан боғлаб олиб борилиши;
5. Назарий дарсга ажратилган ҳар бир соат ва дақиқаларни тежаб, ундан унумли фойдаланиши;
6. Ўқитишда тизимлилик, изчилликда, фанлараро ва бир фаннинг ўзидаги ўзаро боғлиқликлар орасида бўлиш;
7. Дарс ўқитувчи ва ўқувчиларнинг фаоллиги бирлигини таъминламоғи лозим.
8. Ўқув материалининг мазмунига оид кўрсатмали қуроллар, техник воситалар ва компьютерлардан фойдаланиш имкониятини яратмоқ лозим.
9. Дарсда ҳар бир ўқувчининг индивидуал хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир.

Касб-ҳунар коллежларида назарий таълим бериш жараёни одатда, 2 соатлик дарсларда қўлланилади.

4.2. Касб-ҳунар коллежларининг ўқув режаси ва фан ўтилишининг тақвимий режаси

Узлуксиз таълим тизимининг асосий бўғини ҳисобланган касб-ҳунар таълимида ўқув режаси ва дастури ўқув жараёнини аниқ ташкил этишнинг асоси бўлиб, у дидактик тамойилларга ва қоидаларга тўла-тўкис мос келадиган бўлиши лозим. Ҳар бир ўқитувчи ўқув режаси ва дастурини бажаришни, ўқув материалларининг мазмунига тўлиқ жавоб берадиган таълим топшириқларини, билим, кўникма ва малакаларни юқори даражада бўлиши учун жавобгардир. Касб-ҳунар коллежларда таълимнинг мазмуни умуминсоний фазилатларга эга бўлган иймонли, эътиқодли, билимли ёшларни тарбиялаб беришдан иборатдир.

Касб-ҳунар таълими ўқув режаси асосида олиб борилади. Ўқув режаси – давлат ҳужжатидир. Ўқув режалари таълим вазирлиги томонидан тузилади ва тасдиқланади ҳамда республикадаги барча таълим муассасалари учун мажбурий ҳисобланади. Касб-ҳунар коллежининг ўқув режаси коллежда ўргатиш учун танланган ўқув предметларини, уларнинг таълим олиш йўллари бўйича тақсимланишини, ҳар бир предметга ажратилган соатларнинг ҳафталарга бўлинишини белгилайди.

Ҳар бир ўқув фани учун ўқув дастури тузилади. Ўқув дастури ўқув режаси асосида ишлаб чиқилади. Ўқув дастури ҳар бир ўқув фанининг ўқитиш учун ажратилган билим ҳажми, тизими ва ғоявий-сиёсий йўналишини аниқлаб берадиган давлат ҳужжатидир. Дастурнинг асосий вазифаси - ўқув предметининг мазмунини ифодалашдир, яъни дастур иккита вазифани бажаради: таълимнинг мазмунини ўқув предмети доирасида акс эттиради ва фан учун муайян норматив сифатида хизмат қилади. Маълум мавзу юзасидан ўқувчи ўзлаштириш лозим бўлган билим, кўникма ва малакалар қисқача ифодалаб берилади.

Шунингдек, у дарсликка ўтишни тайёрлайди ва унинг муаллифлари фаолияти учун йўлланма ҳисобланади.

Йиллик тақвимий режа - ўқув дастурининг асосий қисмини ташкил этиб, унда мавзулар тартиби ва номи, шу жумладан назарий, лаборатория, амалий машғулотлар учун ажратилган вақтлар берилган бўлади. Касб-ҳунар коллежларида тақвимий режа фан ўқитувчиси томонидан тузилади. Режада бутун ўқув йилида ҳар бир бўлим, мавзу учун қанча вақт ажратилади ва мавжулар қайси муддатда ўқитилиши аниқ кўрсатилади. (4.1-жадвал)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Қашқадарё вилоят ҳокимлиги ўрта
махсус касб - ҳунар таълим бошқармаси

Қарши иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи

«Банк иши» кафедраси ўқитувчиси ______________________________________ нинг
(Ф.И.О)

_____________________________________________________________________ фанидан

__________________________________ таълим йўналишининг _____________ курс

_________________ гуруҳи учун 2011- 2012 ўқув йилига мўлжалланган

# ЙИЛЛИК ТАҚВИМИЙ МАВЗУЛАР РЕЖАСИ

200_ йил _________ да тасдиқланган дастур асосида тузилган

Режадаги соатлар ____________________ соат
Шу жумладан маъруза учун _____________соат
Лабаратория машғулоти учун ____________соат
Амалий машғулотлар учун ______________соат

Ушбу иш режа _____________фанлари кафедрасининг йиғилишида кўриб чиқилган ва 20__ йил __август №__сонли мажлис қарорига асосан маъқулланган.

«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Директор муовини
_________________
«___» _________20_ й

Кафедра мудири______________________________

Қарши – 2012 й

**4.1 – жадвал**

## ЙИЛЛИК ТАҚВИМИЙ МАВЗУЛАР РЕЖАСИ

| Дарс№ | Бўлим ва мавзулар | Ажратилган соат | | Муддати | Дарс тури | Кўргазмали қуроллар ва техник воситалар | Фойдаланиладиган адабиётлар | Ўқувчилар учун топшириқлар (вазифа) | Изоҳ |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | назарий | амалий | | | | | | |
| 1 | Фермер хўжаликларини йириклаштиришнинг иқтисодиётга ва бошқаришга таъсири | 2 | | | назарий | Мавзуга оид слайд, компьютер, проектор, графопроектор | Каримов И.А. «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳатларини чуқурлаштириш йўлида» Т-1995й. Салимов Б. «Деҳқон фа фермер хўжаликлари иқтисоди» Т-2004 й. Электрон дарсликлар. | мустақил ўрганиб келиш. 2-адабиёт, 16-20 бетлар | |
| 2 | Деҳқон хўжаликларини молиялаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини ошириш йўллари | | 2 | | амалий | тарқатма материаллар, слайд ва назорат варақалари | Каримов И.А. «Ўзбекистон мустақилликка эришиш оснонасида» Т-2011 й Абдуғаниев А. «Қишлоқ хўжалиги иқтисоди». Т-2004й. | мустақил ўқиш, ўрганиш, маърузалар матни асосида | |
| 3 | Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ривожлантиришни таҳлил қилиш | 2 | | | назарий | тарқатма материаллар, слайд ва назорат варақалари | Фермер хўжалиги тўғрисидаги Қонун. Т-2004 й 26 август Абдуғаниев А. «Қишлоқ хўжалиги иқтисоди». Т-2004й. | мустақил ўқиш, ўрганиш, маърузалар матни асосида | |
| 4. | Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини ривожлантириш йўллари | | 2 | | амалий | Мавзуга оид слайд ва тарқатма материаллар | Каримов И.А. «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» Т-1996 й. Маъруза матни, Электрон дарсликлар | мустақил ўқиб ўзлаштириб келиш | |

### 4.3. Назарий дарс машғулотининг таълим технологияси

#### 4.3.1. «Фермер хўжаликларини йириклаштиришнинг иқтисодиётга ва бошқаришга таъсири» мавзусида таълим технологиясини модели

| Машғулот вақти-2 соат | Талабалар сони: 20 – 40 гача |
|---|---|
| Машғулот шакли | Маълумотли - маъруза |
| Маъруза режаси | 1. Хўжалик фаолиятини бошқариш тизими<br>2.Фермер хўжаликларини бошқариш фаолияти.<br>3. Фермер хўжалигини бошқаришда менежмент ва унинг фаолияти.<br>4. Фермер хўжалигида менежмент фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш йўллари |
| Ўқув машғулотининг мақсади: «Хўжалик фаолиятини бошқариш тизими, фермер хўжаликларини бошқариш, фермер хўжалигида менежмент фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш йўлларига оид билим, кўникма ва малакалар ҳосил қилиш қилиш. | |
| Педагогик вазифалар:<br>- Хўжалик фаолиятини бошқариш тизими ҳақида тушунча бериш;<br>- Фермер хўжаликларини бошқариш фаолияти бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш;<br>- Фермер хўжалигини бошқаришда менежмент ва унинг фаолиятини ёритиб бериш;<br>- Фермер хўжалигида менежмент фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш йўллари ҳақида маълумот бериш;<br>-Фермер хўжаликларини йириклаш-тиришнинг иқтисодиётга ва бошқаришга таъсирини ҳар томонлама изоҳлаб бериш;<br>- Фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг муқобил йўллари ҳақида тушунча ва тавсиф бериш. | Ўқув фаолияти натижалари:<br>-Талабаларга хўжалик фаолиятини бошқариш тизими ҳақида тушунча беради;<br>- Фермер хўжаликларини бошқариш фаолияти бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиради;<br>- Фермер хўжалигини бошқаришда менежмент ва унинг фаолиятини ёритиб беради;<br>- Фермер хўжалигида менежмент фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш йўллари ҳақида маълумот беради;<br>- Фермер хўжаликларини йириклаш-тиришнинг иқтисодиётга ва бошқаришга таъсирини ҳар томонлама изоҳлаб беради;<br>- «Қандай» диаграмаси асосида Фермер хўжаликларини ривожлантиришнинг муқобил йўллари ҳақида тушунча ва тавсиф беради. |
| Таълим бериш усуллари | Кўргазмали маъруза, суҳбат, баҳс-мунозара |
| Таълим бериш шакллари | Оммавий, жамоавий |
| Таълим бериш воситалари | Дарслик, маъруза матни, проектор, формат қоғозлари ва маркер, магнитли доска |
| Таълим бериш шароити | ЎТВ билан ишлашга мослаштирилган аудитория |
| Мониторинг ва баҳолаш | Савол-жавоб, назорат саволлари |

4.3.2 “Фермер хўжаликларини йириклаштиришнинг иқтисодиётга ва бошқаришга таъсири” маъруза машғулотининг технологик харитаси

| Иш босқичлари ва вақти | Фаолият мазмуни | |
|---|---|---|
| | Таълим берувчи | Таълим олувчилар |
| Тайёргар лик босқичи. | 1. Дарс ишланмаси тайёрлаш.<br>2. Маъруза учун тақдимот слайдаларини тайёраш.<br>3. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш.<br>4. Мавзуни ўрганишда фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини ишлаб чиқиш. | |
| 1. Мавзуга кириш (15 дақиқа) | 1.1. Ўқув машғулоти мавзуси, мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини айтади.<br>1.2. Экранга мавзунинг режаларини чиқаради ва уларга таянч ибораларни иҳолаб беради (1-илова).<br>1.2. Биринчи машғулот мавзуси, унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради.<br>1.3. Талабалар ўқув фаолиятини баҳолаш мезонлари билан таништиради | Тинглайдилар.<br><br>Тинглайдилар, тушунчаларни ёзиб оладилар |
| 2-босқич Асосий босқич (55 дақиқа) | 2.1. Power Point dasturi ёрдамида слайдларни намойиш қилиш ва изоҳлаш билан мавзу бўйича асосий назарий жиҳатларини тушунтириб беради<br>2.2. Хўжалик фаолиятини бошқариш тизими ҳақида тушунча беради;<br>2.3. Фермер хўжаликларини бошқариш фаолияти ҳақида «Идрок харитаси» техникасидан фойдаланиб изоҳлаб беради (2-илова).<br>2.4. Фермер хўжалигини бошқаришда менежмент ва унинг фаолиятига тавсиф беради;<br>2.5. Фермер хўжалигида менежмент фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш йўлларини «Зинама-зина» техникаси асосида ёритиб беради (3-илова).<br>2.6. Фермер хўжаликларини йириклаштиришнинг иқтисодиётга ва бошқаришга таъсирини «Т-схема»си ёрдамида зоҳлайди, ҳамкорликда ишлайди (4-илова).<br>2.7. Талабалар билимларини мустаҳкамлаш мақсадида муаммоли топшириқлар беради ва тақдимот асосида жавобларни аниқлаштиради.<br>2.8. Талабалар жавобларини тўлдиради ва тўғри жавоб берганларини баҳолайди | Тинглайдилар, ёзадилар.<br><br>Талабалар берилган саволларга тақдимот асосида жавоб берадилар. Бошқалар бир-бирларини тинглайдилар, саволлар беради-лар ва баҳолайдилар. |
| 3. Якуний босқич (10 дақиқа) | 3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради, якунловчи хулоса қилади.<br>3.2. Гуруҳларга ўзаро қўйган баҳоларини эълон қилади, Ўқув машғулоти натижаларини шарҳлайди.<br>Мустақил ишлари учун вазифа беради: SWOT-таҳлил асосида ўрганиб келиш (5 илова). | Саволлар берадилар. Вазифани ёзиб оладилар. |

## 4.4. Назарий дарс ўтиш методикаси

Мавзу: Фермер хўжаликларини йириклаштиришнинг иқтисодиётга ва бошқаришга таъсири

Дарснинг тури: Назарий машғулот
Дарс учун ажратилган вақт: 2 соат
Дарс ўтиш жойи: Дидактик воситалар билан қуролланган «Иқтисодиёт фанлари» хонаси

Ўқитиш услуби: оғзаки, кўргазмали-тушунтириш
Интерфаол усуллар: ақлий ҳужум, Идрок харитаси, зинама-зина
Ўқитиш воситалари: дарслик, ўқув қўлланма, доска-экран, компьютер технологияси
Дарснинг жиҳозланиши: Мавзуга тегишли слайдлар, тарқатма материаллар, графиклар, электрон дарслик, ўқитишнинг техник воситалари ва бошқа дидактик материаллар.

### Дарснинг мақсади

Асосий мақсад: Фермер хўжаликларини бошқариш, уларни йириклаштириш, фермер хўжалигида менежмент фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш йўлларига оид билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш
Тарбиявий мақсади: Ўқувчиларга жамоа бўлиб ишлаш ва ҳамжиҳатлик, меҳнаткашлик, ҳаётга онгли муносабатда бўлиш, инсонийлик каби хислатларини шакллантириш, иқтисодиётнинг жамият ҳамда оилани ривожлантиришдаги ижобий томонларини тушунтириш.
Ривожлантирувчи мақсад: Ўқувчиларда шахсий психологик хусусиятларини шакллантириш ҳамда диққат, хотира идрок машқи ва фанга қизиқишини ривожлантириш.

### Дарснинг бориши

#### I. Ташкилий қисм

Ўқитувчи аудиторияга киргандан сўнг ўқувчилар билан саломлашади, гуруҳ давоматини аниқлайди ва ўқув хонасининг дарсга тайёрлигини ҳамда ўқувчиларнинг дарсга тайёргарлик ҳолатини куздан кечиради.

#### II. Ўтилган олдинги дарсни ўқувчилардан сўраш

1.Олдинги дарсда ўтилган «Фермер хўжалигининг иқтисодий фаолиятини ташкил этиш ва унинг иқтисодий алоқалари» мавзусини ўқитувчи томонидан «Муаммоли вазият» методи асосида, саволлар орқали ўқувчилардан сўраш ва уларнинг мавзуни ўзлаштириш даражаларини баҳолаш.
а) Хўжаликда шартноманинг зарурлиги унинг тузилиши нимадан иборат?
б) Бизнес-режа нима ва уни тузиш йизнес-режа нима ва уни тузиш йўлларини айтинг?
в) Ягона ер солиғи нима?
с) Иқтисодий фаолият тизими деганда нимани тушунасиз?

2. Савол-жавобларга фаол қатнашган ўқувчилар билимини баҳолаш ва уларга эълон қилиш. Мавзу юзасидан ўқувчилар билимини баҳолашда уларнинг фанга бўлган муносабати, мотиви, жавоб беришда ўзини тутиши, муаммоли вазиятни ечиши ва мустақил фикрини ҳисобга олиниши лозим. Ўқувчиларга баҳо қўйишда уларга иложи борича юқори балл қўйиш мақсадга мувофиқ, чунки юқори балл олган ўқувчининг фанга иштиёқи ва ўқиш мотивлари ижобий томонга ўзгаради.

3. Ўтилган мавзуни мустаҳкамлаш

Маъруза дарсида ўтилган мавзуни ўқувчилардан сураш муҳим аҳамиятга эга. Мавзуни мустаҳкамлашда ўтилган мавзу қисқа, равшан ва аниқ фактларга таяниб сўраш лозим. Уларга муаммоли вазият-топшириқлар бериб, муаммо ечимини топган ўқувчиларни баҳолашда уларнинг айрим жиҳатларига эътибор қаратиш лозим. Бунга жавобларига танқидий муносабда бўлмаслик, ўқувчиларнинг берган жавобларининг тўғрилиги, ўзини тута билиши, тушунтиришдаги нутқига, қизиқиши ва фанга бўлган муносабатлари киради. Уларни баҳолашда имкон қадар юқори ёки ижобий балл қўйиш мақсадга мувофиқ.

Ўтилган мавзу мустаҳкамлангандан сўнг, ўқитувчи ўқувчилар томонидан тухталмай, айтилмай қолган мавзунинг асосий бандларини такрорлайди, ечилмай қолган муаммолар тушунтирилади ва янги мавзу билан боғланади.

III. Ўтилган мавзуни янги мавзу билан боғлаш

Янги мавзуни баён этишдан олдин ўқитувчи ўтилган мавзуни такрорлаб, уни янги мавзуга боғлайди, узвийлик, тизимлилик ва изчиллик қоидасига амал қилади. Шундагина ўқувчилар янги мавзуни тез ва осон тушуниб оладилар.

IV. Янги мавзуни баён этиш

Янги мавзуни баён этишдан олдин, мавзу доска-экранга (ёзиб) намойиш қилинади. Мавзу режаларини ҳам доскага ёзиб қўйиш (намойиш этиш) мақсадга мувофиқ. Режалар имкон борича дарснинг охиригача сақланиши лозим. Мавзуга оид тарқатма материаллар ўқувчилар эътиборига етказилади ва дарс учун ажратилган вақтдан унумли фойдаланилади.

Мавзу: Фермер хўжаликларини йириклаштиришнинг иқтисодиётга ва бошқаришга таъсири

Режа:

1. Фермер хўжаликларини йириклаштиришнинг иқтисодиётдаги ўрни 2.Фермер хўжаликларини бошқариш фаолияти.
3. Фермер хўжалигини бошқаришда менежмент ва унинг фаолияти.
4. Фермер хўжалигида менежмент фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш йўллари

## 1. Фермер хўжаликларини йириклаштиришнинг иқтисодиётдаги ўрни

Республикамиз иқтисодиётининг аграр тармоғида иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши натижасида турли хил хўжалик юритиш шаклларига асосланган хўжаликлар ривож топиб, кўп укладли иқтисодиётнинг пайдо бўлишига замин яратилди ва бошқариладиган бозор муносабатлари тизимига ўтишга, аграр соҳада ишлаб чиқариш муносабатларини тубдан қайта қуришга имконият туғилди.

Маълумки бозор иқтисодиётининг асосий шартларидан бири бу маълум бир мулк шаклининг якка ҳокимлигига йўл қўймаслик орқали иқтисодий рақобат учун замин яратиш ҳисобланади ва шунингдек Республикамизда кўп йиллар давомида шаклланган давлат мулки ҳиссасини кескин камайтиришни тақозо этади. Ушбу чора-тадбирлар тизимида фермер хўжаликларини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки бозор муносабатлари шаклланган ва иқтисодиёти ривож топган мамлакатлар тажрибаси хўжалик юритишнинг мана шу шакли аграр соҳада иқтисодий жиҳатдан катта самара беришини кўрсатиб турибди.

Президентимиз таъкидлаганидек: “Жаҳон иқтисодиётида вужудга келаётган тенденциялардан, шунингдек, мамлакатимизни келажакда иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш стратегиясидан келиб чиққан ҳолда, 2012-йилда ва ундан кейинги йилларда қуйидаги устувор вазифаларнинг амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади.

Биринчи даражали эътибор мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш бўйича дастур тайёрлаш ва уни амалга оширишга қаратилиши зарур. Бу мақсаднинг

долзарблиги ва аҳамияти аввало шу билан белгиланадики, биз ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётимизни ривожланган демократик давлатлар даражасига олиб чиқишни ҳозирги босқичдаги бош стратегик вазифа сифатида ўз олдимизга қўйганмиз”[1].

Ўз-ўзидан аёнки, рақобатдош иқтисодиётни шакллантирмасдан, пировард натижада эса рақобатдош мамлакатни барпо этмасдан туриб, биз қабул қилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида кўзда тутилган мақсадли вазифаларни амалга оширмасдан туриб, бу ҳақда жиддий сўз юритиш мумкин эмас. Бу вазифанинг ўртага қўйилиши, шунингдек, инқироз жараёнларининг чуқурлашуви, дунё миқёсида харид талабининг пасайиши ва шунга мувофиқ тарзда жаҳон бозорида хомашё, материаллар, айниқса, тайёр маҳсулотлар бўйича рақобатнинг йилдан-йилга кучайиб бораётгани билан ҳам боғлиқ, албатта.

Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

**2. Фермер хўжаликларини йириклаштиришнинг бошқаришга таъсири.**

Ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва рақобатдош маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш бўйича қабул қилинган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, 2012-2016-йилларда ҳисоб-китоблар бўйича қиймати 6 миллиард 200 миллион доллар бўлган 270 дан зиёд инвестиция лойиҳасини, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича тармоқ дастурларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

. Танланган мавзунинг долзарблиги юқорида қайд этилган муаммолар ечимини топиш билан белгиланади.

Битирув малакавий ишининг мақсади ва вазифаси. Битирув малакавий ишининг мақсади бозор муносабатлари шакллана бораётган шароитда фермер хўжаликларининг иқтисодий самарадорлигини ошириш ва уларнинг давлат ҳамда бошқа ташкилотлар билан бўладиган ўзаро иқтисодий муносабатларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсия ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат. Қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилади:

- Республикамиздаги амалга оширилаётган агроиқтисодий ислоҳотларнинг моҳияти ва амалга ошириш жараёнини илмий-амалий жиҳатдан ёритиб бериш;
- қишлоқ хўжалигида фермер хўжаликлари фаолиятининг заруриятини асослаш ва уларнинг ҳозирги аҳволига, иқтисодий самарадорлик даражасига атрофлича баҳо бериш;
- фермер хўжаликларини ер, моддий-техника воситалар билан таъминлаш ва уларга сервис хизмати кўрсатиш тизимини такомиллаштириш йўналишлари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- фермер хўжаликларида молия-кредит муносабатларини ва уларнинг иқтисодида давлатнинг рағбатлантирувчи ролини ошириш йўналишлари бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишининг назарий ва методологик асосини Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарлари, агроиқтисодиёт фанининг классик намоёндалари илгари сурган таълимотлар, йирик агроиқтисодчи олимлар ғоялари, илмий-тадқиқот институтлари олимларининг илмий ишланмалари ташкил этади. Иқтисодий воқеликни ўрганишда диалектик услуб асос қилиб олинди. Тадқиқот жараёнида маълумотлар бевосита фермер хўжаликларидан, Статистика Қўмитасидан, Қишлоқ ва сув хўжалиги

вазирлигига қарашли вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси ва бошқа ташкилотлардан олинди.

V. Назарий дарс ўтишда таълимнинг дидактик воситалардан фойдаланиш

Назарий дарсни ўтишда таълимнинг техник воситалари ўтилаётган материаллар мазмунини ўқувчиларга кўргазмали усулларда етказиб, таълим сифати ва самарадорлигини янада оширади ҳамда ўтилаётган мавзуни ўқувчилар томонидан тўлиқ идрок этиб, пухта ўзлаштирилади.

Кўргазмалилик ўқувчилар тасаввур доирасини бойитади ва билим, кўникма ҳамда малакаларни яхши ўзлаштиришга ёрдам беради. Маъруза ўқув хоналарининг кўргазмали воситалар билан жиҳозланиши 20% дан ошмаслиги лозим. Кўргазмалликнинг меъёрдан кўплиги ўқувчилар диққатини чалғитади ва уларни толиқишга сабабчи бўлади. Тажрибалар кўргазмали қуролларни ишлатишда ахборотларни қабул қилиш даражасини 15% га, ўзлаштиришни 20% га, олинган билимларнинг мустаҳкамлигини 10% га оширишини кўрсатади. Тажрибалар инсон эшитиш орқали сўз ахборотининг 15% ни, кўз орқали кўрганларининг 25% ни, ҳам кўриш ҳам эшитиш орқали қабул қилинган ахборотнинг 65% ини хотирада сақлаб қолинишини кўрсатади.

Шу сабали ўқитишда кўргазмаллик асосида, намойиш қилиш, замоанавий техник воситалардан фойдаланган ҳолда назарий дарсларни ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу назарий машғулот учун ажратилган вақтдан унумли фойдаланиш, ўқувчилар томонидан мавзу мазмунини яхши ва аниқроқ тушунишга, материални узоқ вақт хотирада сақлаш, онгли ўзлаштириш ва ўқувчиларни дарсга бўлган ижобий муносабатларини шакллантириш каби афзалликларни яратади.

VI. Янги мавзуни мустаҳкамлаш

Дарс охирида ўқувчилар янги ўтилган мавзуни чуқурроқ тушунишлари учун қуйидагилар амалга оширилади:

1. Ўқувчилар томонидан берилган саволларга жавоб бериш;
2. Мавзуни мустаҳкамлаш учун мавзу юзасидан муаммоли вазиятлар яратиш, ўқувчилар фаолиятини таҳлил қилиб баҳолаш ва ўтилган дарсни хулосалаб якунлаш.

а) Қишлоқ хўжалигида бошқариш усулларидан қайсиларини биласиз?
б) Фермер хўжалигида менежментнинг вазифаси нимадан иборат?
в) Маркетинг вазифаси нимаз?
с) Менежмент фаолиятининг иқтисодий самарадорлиги қайси кўрсаткичлар билан аниқланади?

VII. Уйга вазифа бериш

1. Ўқувчиларга уйга вазифа беришда дарслик, ўқув қўлланма руйхати, маъруза матнларининг электрон талқинлари, тарқатма материаллар дискларда берилиши лозим.
2. Мавзуни ўқиб ўрганиш, мустақил ўрганиш ва мавзуга оид интернет янгиликларини олиб ўрганиш.
3. Кейинги машғулотга оид ёпиқ тест топшириқлари берилади.

Фойдаланиладиган адабиётлар

1. Каримов И.А. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти-тўкин ҳаёт манбаи. –Т. «Ўзбекистон», 1998 й.
2. Каримов И.А. Жаҳон молиявий – иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари -Т. «Ўзбекистон», 2009. й.
3. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т. «Ўзбекистон»,2011 й.
4. Абдуғаниев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисоди. -Т. «ТДИУ», 2004 й.
5. Умурзоқов Ў., Тошбоев А. Фермер хўжалиги иқтисодиёти. –Т. «Иқтисод-молия», 2007 й.
6. http:// www.iuf.ru

7. http://ekonomic.doco.ru

## 5. Амалий ёки семинар машғулотини ўтиш методикаси

### 5.1. Амалий ёки семинар машғулотини ўтказиш методикаси

Ўқувчилар амалий ва семинар машғулотда назарий курсда олган билимларни чуқурлаштирадилар, кенгайтирадилар ва мустаҳкамлайдилар. Бу машғулотлар ўқувчиларнинг мавзудаги муҳим масалаларни чуқур ўрганиш юзасидан мустақил ишлашини, кейинчалик уларни жамоа бўлиб муҳокама қилишини ташкил этиш шаклидир. Амалий ёки семинар машғулоти ўқитувчи раҳбарлигида ўтказилади, у ўқувчилар ишини йўналтириб туради, мавзу саволлари муҳокамасини якунлайди, зарур қўшимча, тузатишлар киритади, материални системага солади.

Касб-ҳунар коллежларида амалий машғулотларни ташкил қилишнинг звеноли (гуруҳли) шакллари қўлланилади. Бу машғулотлар махсус жиҳозланган хона ёки алоҳида ажратилган тажриба участкасида, шунингдек, бевосита таълим ишига алоқадор маълум объектни кузатиш, ўрганиш йўли билан олиб бориладиган машғулотдир. Агар маърузада илмий билимлар асоси баён қилинадиган бўлса, амалий машғулотларда билимлар чуқурлаштирилади, кенгайтирилади ва деталлаштирилади. Энг муҳими, амалий машғулотлар ўқувчиларнинг билимини синашга хизмат қилади.

Амалий машғулотларда машқлар, лаборатория ишларини ўтказиш, ҳар хил илмий тажрибаларни ўтказиш кабилар амалга оширилади. Билим беришнинг бу шаклида маърузаларда олинган назарий билимлар бевосита амалиёт билан боғланади ва ўқувчилар томонидан тажрибалар амалга оширилади. Ўқитувчи ҳар бир амалий машғулот дарсини ўтказиш режасини пухта тузиб чиқиши керак. Уни қандай янги педагогик технологиялар ёки интерактив усуллардан фойдаланиб ўтишни аниқлаб олиши зарур. Керакли кўрсатма ва тарқатма материалларни олдиндан тайёрлаб қўйиш талаб этилади. Амалий машғулот дарсларида савол-жавоблар, дискуссиялар ташкил қилинади, фаол иштирок этган ўқувчилар рағбатлантирилиб балл қўйилади. Амалий дарсни ўқитувчи хулосалаб якунлайди.

Касб-ҳунар коллежларида амалий машғулот шаклларидан бири семинардир. Семинар – ўқувчиларнинг маърузадан олган илмий-назарий билимларини кенгайтириш, чуқурлаштириш мақсадида ташкил этилган таълим шаклларидан биридир. Семинар жараёнида ўқитувчининг ўрни жуда юксак, яъни ўқитувчи ўқувчининг ўрнига жавобни айтиб бермайди, балки муҳокамаларни ташкил этади ва унга раҳбарлик қилади. Ҳар бир семинар машғулотининг режаси тузилиб, ўқувчиларга олдиндан бериб қўйилади. Семинар машғулоти режаси, саволлари пухта ўйланган ҳолда мавзуни тўлиқ очадиган, ўқувчиларни адабиётлардан ва интернет маълумотларидан фойдаланишга ундайдиган қилиб тузилади.

Семинар ёки амалий машғулотлари қуйидаги вазифаларни ечишга қаратилган бўлади:
- маърузада баён қилинган назарий қоидаларни мустаҳкамлаш;
- фан бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш;
- ўқувчиларнинг илмий-тадқиқот ва билиш қобилиятларини ўстириш;
- назарий ўқитиш жараёнида эгалланган билимларнинг амалиётда тан олиниши;

Ўқитувчи амалий ёки семинар машғулотини олиб боришнинг қатъий ўйланган аниқ режасини тузиши ва дарсни ўтиш усулини аниқлаши ва танлаши шарт. Албатта янги педагогик технологиялардан, ахборот воситаларидан фойдаланишни режалаштириш лозим. Бу борада касб-ҳунар коллежларида замоанавий технологиялар имконияти ва шарт-шароитлар мавжуд. Ўқитувчи амалий ёки семинар машғулотларини бошлашдан олдин ташкилий ишларни ўтказади. Давоматни аниқлайди, аудиториянинг ҳолатини (тозалиги, доскада бўр ва ўчириш воситаларининг мавжудлигини) кўзлан кечиради. Олдинги машғулотда ўтилган мавзунинг асосий мазмуни ва хулосаларни қисқача такрорлайди ва янги мавзуни эълон қилади. Ўқувчиларнинг семинарга тайёргарлиги аниқланади. Режа бўйича саволларга навбат билан ўқувчиларни жавоб беришлари турли интерактив усулларда ташкил

қилинади. Ўқувчининг жавобларини гуруҳдошлари ва ўқитувчи тўлдиради. Саволнинг ёритилмай қолган қисмлари бошқа ўқувчилар томонидан тўлдиради. Режадаги барча саволлар муҳокама қилиниб бўлингач ўқитувчи машғулотга якун ясайди. Ўқувчиларнинг семинар машғулотида олган балларини эълон қилади.

Касб-ҳунар коллежларида амалий ёки семинар машғулотига тайёрланиш ўқувчилардан катта масъулиятни талаб этади. Жумладан, ўқувчилар семинар дарсларига тайёргарлиги давомида мустақил ўқишлари, керакли адабиётлар билан ишлашлари, рўзнома ва журналлардан фойдалана билишлари, шунингдек бошқа мавзуга оид манбаларни излаб топишлари, уларни ўзлаштиришлари керак бўлади.

## 5.2. Амалий машғулотни ўқитиш технологияси

### 5.2.1. «Фермер хўжаликларини йириклаштиришнинг иқтисодиётга ва бошқаришга таъсири» мавзусида амалий машғулотни ўқитиш технологияси модели

| | |
|---|---|
| Машғулот учун ажратилган вақт - 2 соат | Талабалар сони: 25 та |
| Ўқув машғулотининг шакли | Амалий машғулот |
| Ўқув машғулоти режаси | 1. Хўжалик фаолиятини бошқариш тизими<br>2.Фермер хўжаликларини бошқариш фаолияти.<br>3. Фермер хўжалигини бошқаришда менежмент ва унинг фаолияти.<br>4. Фермер хўжалигида менежмент фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш йўллари |
| Ўқув машғулотининг мақсади: | Хўжалик фаолиятини бошқариш тизими, фермер хўжаликларини йириклаштириш, фермер хўжалигида менежмент фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш йўлларига оид кўникма ва малакаларни шакллантириш |
| Педагогик вазифалар:<br><br>-Қишлоқ хўжалигида хўжалик фаолиятини бошқариш тизими ҳақида тушунча бериш;<br>- Фермер хўжаликларини бошқариш фаолияти бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантириш;<br>- Фермер хўжалигини бошқаришда менежмент ва унинг фаолиятини ёритиб бериш;<br>- Фермер хўжалигида менежмент фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш йўлларини «Зинама-зина» технологияси асосида изоҳлаб бериш;<br>- Фермер хўжаликларини йириклаштиришнинг иқтисодиётга ва бошқаришга таъсирини ҳар томонлама назарий асослаб бериш; | Ўқув фаолиятининг натижалари<br><br>- Қишлоқ хўжалигида хўжалик фаолиятини бошқариш тизими ҳақида тушунча беради;<br>- Фермер хўжаликларини бошқариш фаолияти бўйича билим, кўникма ва малакаларини шакллантиради;<br>- Фермер хўжалигини бошқаришда менежмент ва унинг фаолиятини батафсил ёритиб беради;<br>- Фермер хўжалигида менежмент фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш йўлларини «Зинама-зина» технологияси асосида изоҳлаб беради;<br>- Фермер хўжаликларини йириклаштиришнинг иқтисодиётга ва бошқаришга таъсирини ҳар томонлама тушунтириб, назарий асослаб беради. |
| Ўқитиш усуллари ва техника | Ақлий ҳужум, «Зинама зина»,<br>ФСМУ техникаси, тақдимот. |

| | |
|---|---|
| Ўқитиш воситалари | Маърузалар матни, маркерлар, формат қогʻозлар, скотч, коʻргазмали материаллар, проектор. |
| Ўқитиш шакллари | Якка, жамоавий, фронтал |
| Ўқитиш шарт-шароити | Техник воситалар билан таъминланган ва гуруҳларда ишлашга мулжалланган аудитория |
| Мониторинг ва баҳолаш | Огʻзаки назорат, савол-жавоб, рейтинг тизими асосида баҳолаш, оʻз-оʻзини назорат қилиш. |

5.3. «Фермер хўжаликларини йириклаштиришнинг иқтисодиётга ва бошқаришга таъсири» мавзусида амалий машғулотининг технологик харитаси

| Фаолият босқичлари | Фаолиятнинг мазмуни | |
|---|---|---|
| | Ўқитувчи | талаба |
| I.Кириш босқичи. (10 минут) | 1.1. Амалий машғулот мавзуси, мақсади ва ўқув фаолиятининг натижаларини айтади.<br>1.2. Мавзуга оид кўргазмали слайд намойиш этилади (1- илова).<br>1.3. Талабаларнинг машғулотдаги фаолиятини баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонлари билан таништиради (2-илова). | Тинглайдилар.<br>Экранга еътиборини қаратади ва ёзиб оладилар.<br>Эшитадилар.<br>ЎУМ га қарайдилар. |
| II.Асосий босқич (60 минут) | 2.1.Талабаларни фаоллаштириш мақсадида муаммоли топшириқ берилади. Қўйилган муаммонинг ечимини топишни ташкил қилади.<br>2.2. Талабаларни кичик гуруҳларга ажратилган ҳолда мавзу бўйича асосий тушунчаларга таъриф беришни таклиф қилади ва Т-схемаси асосида блис-сўров ўтказади (3-илова);<br>2.3. Савол-жавоб босқичида талабалар билимлари аниқлаштирилади ва фаоллаштиради, мавзу бўйича асосий назарий жиҳатларини тушунтириб беради<br>2.4 Талабаларни 5-та кичик гуруҳга бўлади ва гуруҳларда «Конверт» техникаси усулидан фойдаланиб мавзу бўйича саволлар беради (4-илова):<br>- Хоʻжалик фаолиятини бошқариш тизими деганда нимани тушунасиз?<br>- Фермер хўжалигини бошқаришда менежмент ва унинг фаолиятини ёритиб беринг?<br>2.5. «Зинама-зина» техникасидан фойдаланилган ҳолда «Фермер хўжалигида менежмент фаолиятининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш йўллари»ни изоҳлаш учун ёзма топшириқ, вазифа беради (5-илова).<br>2.6. Тақдимот регламентига амал қилади, уни бошлайди, жавоблар текширилади ва ягона хулоса чиқаришга кўмак беради;<br>2.7. Тақдимотни тугатади, тўғри жавобларга рағбат беради ва жавобларни умумлаштиради | Фаол қатнашадилар.<br><br>Кичик гуруҳлар ҳосил қилади ва Тарқатма материал ёрдамида топшириқларни мустақил бажарадилар.<br><br>Тақдимот қиладилар.<br><br>Кичик гуруҳларда «Зинама-зина» техникаси асосида ўз жавобларини формат қоғозга ёзадилар.<br>Тақдимотга жамоавий тайёрланади<br><br>Тақдимот қиладилар.<br>Гуруҳлар бир-бирларини баҳолайдилар. |

| | | |
|---|---|---|
| ИИИ.<br>Якуний босқич<br>(10 минут) | 3.1. Мавзу бўйича қисқа хулосалар қилади, якун ясайди. Фаол талабаларни баҳолаш мезони орқали раг`батлантиради.<br>3.2. Мустақил ишлаш учун топшириқ беради: Ушбу мавзу боʻйича «ФСМУ» технологияси асосида берилган топшириқни оʻрганиб келиш (5-илова). | Эшитади.<br>Аниқлайди.<br>Ёзадилар. |

# Хулоса

Мамлакатимиз қмшлоқ хўжалиги корхоналарида, хусусан фермер хўжаликларида фермер ягона мулк эгаси бўлиб умумий мулкчиликдан хусусий мулкчиликка, умумий жавобгарликдан шахсий жавобгарликка ўтиш натижасида фермерларда маҳсулот ишлаб чиқариш, бошқа турдаги корхоналарга қараганда афзал эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Фермер хўжаликларин ривожланиши билан биргаликда маълум бир ютуқлар қаторида муаммоларга ҳам дуч келинмоқда. Келажакда бу каби муаммоларнинг ҳал қилиниши фермер хўжаликларини янада ривожлантириш, уларнинг самарадорлигини оширишни кафолатлайди.

Таклиф этилаётган Фермер хўжаликларини йириклаштиришнинг иқтисодиётга ва бошқаришга таъсири мавзусининг дарс ишланмасини тайёрлаш касб-ҳунар коллежлари, шунингдек, олий ўқув юртларида иқтисодчи-педагоглар тайёрлаш йўналишида ўқитишни янги талаб ва эҳтиёжлар асосида ташкил қилишга қаратилган бўлиб, уни ўқув жараёнига қўллаш баробарида таълим муассасаларида бир мунча таълимни сифат ва самарадорлигини оширишга эришилади.

Касб-ҳунар коллежларига замонавий педагогик технологияларни, ўқитишнинг интерактив методлари асосида ўқув жараёнини лойиҳалаштириш, дарс ишланмалари тайёрлаш натижасида ўқув жараёнига қўйилган мақсадларни юқори савияда амалга ошириш, таълим жараёнида ўқувчи фаоллигини ошириб таълимдан кўзланган натижага эришишни осонлаштиради, шунингдек, комил шахсни шакллантириш учун асосий омил саналган педагогик жараённи такомиллаштиради ва сифатли ташкил этишини таъминлайди. Ўқув жараёнида интерактив таълим, замонавий техник воситалардан фойдаланишни яхши йўлга қўйиш бугунги кунда долзарб муаммолардан бири бўлиб, касб-ҳунар коллежларида ноанъанавий ўқитиш методларини ўқув жараёнига тизимли ва изчил қўллаш ҳар бир ўқитувчи фаолиятидаги муҳим талаблардан биридир.

Касб-ҳунар коллежларида асосий эътиборни фақат таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этишга қаратиб, ўқув жараёнида ўқувчилар фаоллигини оширувчи усуллар ва техник воситалардан унумли фойдаланиш орқали ўқув жараёни самарадорлигини ошириш мақсадга мувофиқ. Шундагина касб-ҳунар таълими тизимида ўз соҳасининг етук мутахассиси ва буюк келажак пойдеворини мустаҳкамлашда ўз ҳиссасини қўша оладиган, теран ва мустақил фикр юритадиган баркамол авлодни тарбиялаш мумкин.

Касб-ҳунар коллежларида ўқув жараёнининг самарадорлиги ўқитувчининг дарсни муаммоли ўқитиш усулидан фойдаланиб олиб бориши ҳам ўқувчи фаоллигини ошириб, ҳам уни мустақил изланишга ундайди, муаммоли вазиятлар яратилган вақтда ўқувчилар фаол қатнашиши ҳамда ўртага ташланган муаммоларни ўзлари ҳам ҳал қилишга эришиши мумкин. Ўқитиш жараёнида ўқувчиларни билишга ҳавас, излаш-қидиришга ундайдиган масалаларни ҳал қилиш жараёни билан боғлиқ интеллектуал ҳислар ва руҳий кечинмалар ҳосил қиладиган муаммоли вазиятлар яратиш мумкин. Бу каби муаммоли вазиятлар яратишда маҳоратли педагоглар илғор педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда дарсни ташкил этиши ҳам мақсадга мувофиқдир.

Касб-ҳунар коллежларида самарали ўқитиш усулларидан бўлган муаммоли, ҳамкорликда ўқитишнинг моҳиятини ўқитувчи томонидан талабаларнинг ўқув ишларида муаммоли вазиятни вужудга келтириш ва ўқув вазифаларини, муаммоларини ва саволларини ҳамкорликда ҳал этиш, ўрганиш орқали янги билимларни ўзлаштириш бўйича уларнинг билиш фаолиятини бошқараш ташкил этади. Шунингдек, таълим жараёнида педагогик, ахборот технологиялари асосида замонавий ўқитиш методикасини яратиш орқали ўқув жараёнига қўйилган талабларни ижобий ҳал этиб, таълим жараёнида ўқувчи фаоллигини ошириб таълимдан кўзланган натижага эришиш осонлашади ва баркамол шахсни шакллантириш учун асосий омил саналган педагогик жараённи такомиллаштириш учун замонавий дарс ишланмаларини тайёрлашни талаб этади.

Малакавий ишимда Фермер хўжаликларини йириклаштиришнинг иқтисодиётга ва бошқаришга таъсири мавзусини замонавий ўқитиш методикасини яратишда «кичик

гуруҳларда ишлаш», «ақлий хужум», «блиц-сўров» ва «ҳамкорликда ўқитиш» техникаларидан фойдаланиб ўқувчилар олдига муаммоли топшириқлар, муаммоли вазият яратиш ўқувчиларни муаммоларни мустақил ҳал этиб, изланишга, ҳамкорликда ўқиш ва ўрганиш асосида якуний хулосалар чиқаришга ўргатади. Демак, бу каби интерфаол методлар – ўқувчини мустақил фикрлашга ва ўз устида ишлашга тарбиялайди ҳамда илмий билишни ривожлантиришга асосий кўмак беради. Коллежларда ўқув жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш унинг сифат ва самарадорлигини ошириб таълимда кафолатланган натижага эришишни таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати


1. Ўзбекистон Республикасининг «Фермер хўжаликлари тўғрисида» ги қонуни (янги таҳрирда). «Халқ сўзи» газетаси 2004 йил, 15 октябр.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Деҳқон хўжалиги тўғрисида» ги қонуни. «Халқ сўзи» газетаси, 1998 йил 6 июн.
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 607-сонли Қарори. 2004 йил 24 декабр
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги корхоналарини давлат томонидан қуллаб-қувватлаш чора тадбирлари тўғрисида» ги Қарори. 13.01. 1997 й.
5. Каримов И. А. Қишлоқ хўжалиги тараққиёти – тўкин ҳаёт манбаи, Т: «Ўзбекистон», 1998 йил
6. Каримов И.А. Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т: «Шарқ» нашриёти, 1998 й.
7. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: «Ўзбекистон», 2009 й.
8. Каримов И.А. Барча режа ва дастуримиз тараққиётни юксалтириш халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. 2010 йилнинг асосий якунлари ва 2011 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. «Халқ сўзи» газетаси , 2011 йил 22 январ №16
9. И.А. Каримов. 2012 йил – ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. / «Халқ сўзи газетаси»// 2012 йил 21 январ.
10. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: «Маънавият», 2009 й.
11. Каримов И. А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида Т: «Ўзбекистон», 2011 йил
12. Азизхўжаева Н.Н. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. Тошкент, 2003 й
13. Абдуғаниев А. Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти Т.: 2004 й.
14. Зокиров О. Қишлоқ жўжалиги иқтисодиёти. Т.: 2003 й.
15. Ибрагимов Х.И., Йўлдошев У. Педагогик психология. Т.: «Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти» нашриёти, 2009 й
16. Мавлонова Р, Тўраева О., Педагогика. Тошкент, «Ўқитувчи», 2001 й.
17. Мунавваров А.Қ. таҳрири остида. Педагогика. Т: «Ўқитувчи», 1996 й.
18. Очилов М. Янги педагогик технологиялар. Қ: «Насаф» нашриёти, 2000 й.
19. Олимжонов О ва бошқалар. Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари. – Т.: «Ўзбекистон» 2005 й.
20. Салимов Б. ва бошқалар. Фермер ва деҳқон хўжаликлари иқтисоди. –Т.: «ТДИУ», 2004 й.
21. Тухлиев Н. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти. Т.: 1999 й.
22. Усмонов В.С., Додобоев Ю. Фермер ва деҳқон хўжаликлари. Т.: 2002 й.
23. Умирзоқов Ў. Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти ва менежменти. Т.: «Иқтисод-молия», 2008
24. Хўжаев Н, Ҳасанбоев Ж., Иқтисодий педагогика. ўқув қўлланма, Т-2002 й.
25. Хусанов Р.Х ва бошқалар. Қишлоқ хўжалигади иқтисодийислоҳатларни янада чуқурлаштиришнинг илмий-амалий асослари. Т.: «Янги аср авлоди», 2003 й.
26. Ҳусанов Р., Додобоев Ю. Агросаноат мажмуаси. Т.: 2003 й.
27. htt://www.unece.org/indust/sme/def-eu.htm
28. htt://www.unece.org/indust/sme/def-cit.htm
29. http:// ppsy. ru
30. http:// www.iro.yar.ru
31. http:// www.iuf.ru
32. http:// www.ekonomy.com